

130
040
7401

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ
ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖУРНАЛИСТИКА ВА АДАБИЁТ: КЕЧА ВА БУГУН

**(илмий мақолалар тўплами)
1-қисм**

«YURIST – MEDIA MARKAZI»

Тошкент – 2008


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ
ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖУРНАЛИСТИКА ВА АДАБИЁТ: КЕЧА ВА БУГУН

(илмий мақолалар тўплами)
1-қисм



«YURIST – MEDIA MARKAZI»

Тошкент – 2008

присвоено
20/10/08

83.3(5Ў)

A29

Журналистика ва адабиёт: кеча ва бугун. Илмий мақолалар тўплами, 1-қисм. Масъул муҳаррирлар Ю. Паҳратдинов (қорақалпоқ тилидаги мақолалар), Ф. Мўминов (ўзбек ва рус тилларидаги мақолалар). Тошкент: "Юрист-медиа маркази", 2008. 128 бет.

Мазкур тўпламдаги илмий мақолалар асосини Бугунжаҳон матбуот эркинлиги куни муносабати билан 2008 йил 3 май куни Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университетида ўтказилган республика семинарига тайёрланган маърузалар ташкил этди.

Мақолаларда журналистика ва адабиётнинг мумтоз намояндлари фаолияти, ўтмиш ва бугунги жараёнлар, мазкур соҳаларда кадрлар тайёрлаш муаммолари, матбуот ва инсон ҳуқуқлари, ижод проблематикаси ва талқин маҳорати, адабий алоқалар, асар қаҳрамони характери ва ижодкор позицияси, асар поэтикаси, услуби ва жанри, паблик рилейшнз ва реклама масалалари ўрганилган.

Ахборот асри хусусиятлари, ахборот даврида миллий кадриятлар ва анъаналарнинг аҳамиятига алоҳида урғу берилган.

Такризчилар:

Қ. К. ОРАЗИМБЕТОВ, филология фанлари доктори,

Н.А. АБДУАЗИЗОВА, тарих фанлари доктори, профессор.

ББК 83.3(5Ў)

ББК 76.01(5Ў)

№ 248-2008/1839

УН 3545

© "Юрист-медиа маркази" нашриёти

МУНДАРИЖА

Кириш.....	5
А. Т. МАТЧАНОВ. Журналист кадрларды таярлау баслы максетимиз.	6
Ю. ПАХРАТДИНОВ. Журналистика ҳам журналистлер бизиң келешегимиз.....	8
Ф. А. МУМИНОВ. Ҳокимиятлар триумвираги.....	11
О. А. ЎСАРОВ. Оммавий ахборот воситаларида суд транспарентлиги: тушунчаси, шакллари ва журналистика самарадорлигига таъсири.....	15
Қ. ЖАРИМБЕТОВ. XIX аср қорақалпоқ публицистик шеъриятининг жанр хусусиятлари.....	22
Ф. И. МУМИНОВА. Конкуренция на рынке образования (зарубежный опыт).....	25
И. ҚУРБОНБОЕВ. Поэтик тушунчанинг бадий-эстетик моҳияти..	33
И. Ф. ИСМАИЛОВА. Проблемы освоения радиовещанием Узбекистана художественного опыта национальной культуры.....	35
Ф. САЛАЕВ. Таржима ва шеърӣ тизим.....	43
Қ. ЮСУПОВ. Конфликт қаҳарманлар минез-қулқын ашыўдың негизи.....	44
З. ҚОЖИҚБАЕВА. Фуқаролар ҳуқуқини ҳимоялашда матбуотнинг роли (Ўзбекистон, Қорақалпоғистон мисолида).....	47
Ш. М. ИБРАГИМОВ. Шарҳловчига қўйилган талаблар.....	49
Ҳ. АБДУЛЛАЕВ. Тасвир руҳияти ва характер поэтикаси уйғунлиги.....	53
Т.У. ЭШБЕКОВ. Ахборот манбаларини яратиш ва улардан самарали фойдаланиш.....	55
С. МАТЕКЕЕВ. Бердақ ҳам Өтеш шайырлардың өз-ара дөретиўшилиқ байланыслары.....	60
Ж. НИЗАМАТДИНОВ. Қаҳарманлық дәстанларда түс мотиви.....	63
П. АЛЛАМБЕРГЕНОВА. Сөз салмағы – көркемликте.....	64
Д. Ю. ПАХРАТДИНОВ. XIX әсирдин ақыры XX әсирдин басындағы қарақалпақ поэзиясында дидактикалық қосықлар.....	65
З. ОРАЗЫМБЕТОВА. Болажақ журналистлерди әдебий редакторлаўға үйретиў мәселеси.....	68

П. Қ. АЛЛАМБЕРГЕНОВА. Қорақалпоғистон телевидениесіда бадий-публицистик жанрларнинг акс эттирилиши.....	69
Қ. Ж. ҚАЛЕКЕЕВ. Қорақалпоғистон матбуотида жири ва бахшилар ижодини ёритиш тамойиллари.....	79
М. Қ. СОЛИЕВА. Ўрта асрларда давлат бошқарувида маъмурий коммуникациянинг ўрни.....	83
А. ДОСЫМБЕТОВА. Ш. Сейтов лирикасында еркин қосықлар.....	87
А.Х.ЎСАРОВА. Оммавий ахборот воситаларида реклама: қонун ҳужжатларига амал қилиш таҳлили ва журналистик маҳорат.....	88
Ж. ҚАНИЯЗОВА. Монолог-қаҳарман ишқи дуньясының ашылыуы (Ш.Сейтовтың «Халқабад» роман-тетралогиясы мысалында)..	96
Е. ҚАНААТОВ. Портретлик очеркте мийнет адамы образының сәулелениуи.	98
И. АЛЛАМБЕРГЕНОВА. Қарақалпақ халық аңызларының тематикасы.....	100
Г. ТУРЛИБЕКОВА. Взаимовлияние традиционного и онлайн-телевидения.....	103
Ж. САҒЫЙДУЛЛАЕВА. Повесть жанрының тәбияты ҳәм көркем стиль.....	111
И. МАМБЕТОВ Қарақалпақ поэзиясында ишқи форма.....	112
М. ҚУРБОНОВА. Мисрда партиялар фаолиятининг матбуотда намоён бўлиш шакллари.....	113
Р. САЛАЕВ. Адабий алоқалар янги босқичда.....	118
Т. КЕРУЕНОВ. Классикалық поэзияда мурәжат мотивлери ҳақында.....	119
С. Ю. ПАХРАТДИНОВ. «Бозуғлан» дәстанындағы көркемлеу қураллары.....	120
Т. Қ. ЖАРИМБЕТОВА. Баспа сөзде спорт темасын сәулелендириуде жанрлар синтези мәселеси (Қарақалпақстан баспа сөзи мысалында).....	123
М. БЕРДАМБЕТОВА. Рекламаның тәсиршеңлиги.....	124

КИРИШ

2007 йилда Бердак номидаги Қорақалпоқ Давлат университети ва Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўртасида, шунингдек Бердак номидаги Қорақалпоқ Давлат университети ва Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ўртасида мазкур олий ўқув юртлар ректорлари томонидан журналистика масалаларида ўқув-услубий ва илмий ҳамкорлик ҳақида икки томонлама шартномалар имзоланди.

Аслида журналистика таълими соҳасида Тошкент ва Нукус олимларининг бевосита ҳамкорлиги 1995 йилда бошланган. Ўша вақтдан бери бир қатор хайрли анъаналарга асос солинди: Бердак номидаги Қорақалпоқ Давлат университети журналистика бўлимининг талабалари Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетида ўқишини давом эттириб, Ўзбекистон Республикаси етакчи олий ўқув юртининг магистр дипломига эга бўлди, қобилиятли қорақалпоқ ёшлари Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетининг аспирант ва тадқиқотчилари сафига кўшилди, журналистика тарихи ва назарияси ихтисосликлари бўйича Қорақалпоғистон Республикасида биринчи фан номзодлари (Д. Бекбаулиев, А. Абдимуратов, П. Алламбергенова) тайёрланди, бир нечта Тошкент олимлари Қорақалпоқ Давлат университети журналистика бўлими талабаларига халқаро ва миллий оммавий ахборот воситаларининг замонавий тамойиллари бўйича маърузалар ўқиди.

Мазкур анжуман – ушбу анъаналарнинг давоми сифатида ташкил этилган биринчи конференциядир. Журналистика ва адабиёт ўртасидаги алоқаларнинг тарихий ришталари бир эканлигини эътиборга олиб, ташкилотчилар иккала соҳа ютуқлари ва муаммоларини бирлаштириб муҳокама қилишга қарор қилдилар. Маърузачиларнинг чиқишлари мазкур тўпламда илмий мақолалар шаклида чоп этилмоқда.

Анжуманда Бердак номидаги Қорақалпоқ Давлат университети, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари ҳамда амалиётчи журналистлар иштирок этади.

Конференцияни Қорақалпоқ Давлат университети қорақалпоқ филологияси факультети “Журналистика” кафедраси (мудир – профессор Юнис Пахратдинов) ва Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети “Оммавий коммуникация ва ахборот технологиялари” кафедраси (мудир – профессор Файзулла Мўминов) ташкил этдилар.

Анжуман иштирокчилари уни ташкил этишда катта ёрдам берган Бердак номидаги Қорақалпоқ Давлат университети ректори, профессор А.Т. Матчановга ўз миннатдорчилигини изҳор этдилар.

Журналист кадрларды таярлау баслы мақсетимиз

Бердак атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университети республикамызда көп жыллык тарийхқа ийе оқыу дәрғайы. Усы күнге шекем оқыу дәрғайымызды республикамыздың хәр кыйлы тарауларында жемисли мийнет етип атырган инсанлар жетилисип шықты. Әсиресе, республикамыздың ғалаба хабар қуралларына маман қәнигелерди жетилистирип беріу исинде журналистика қәнигелигиниң үлесі салмақлы болмақта.

Журналистика бөлими үлкен тарийхқа ийе болмаса да қанигелерди жетилистириуде өз тәжірийбесине, жолына ийе. 1983-1984-оқыу жылында университетимиздің филология факультети курамында журналистика бөлиминиң ашылуы республика көлеминде үлкен кууанышлы уақыя болды. Тилекке қарсы, айрым себеплерге байланыслы бөлим еки жылдан сон искерлигин тоқтатты. Қарақалпақ журналистикасының келешегине исенген инсанлардың, университет ректоратының, факультет дсканатының жан күйдириулері, усыныслары менен 1989-1990-оқыу жылына келип және жумысын жанландырды. 1990-жылы әдебият теориясы хәм журналистика кафедрасы ашылып, қәнигелик пәнлерден оқытыу ушын еки оқытыушы қабылланған болса уақыттың өтиуі менен журналистика кафедрасында алты оқытыушы бир лаборант жумыс ислеген.

Дурыс дәслепки жыллары журналистика қәнигелигиниң материаллық-техникалық базасын беккемлеу, оны маман қәнигелер менен тәмийинлеу мәселесинде айрым машқалалар болғаны сыр емес. Соған қарамастан университетте бар мүмкиншиликлерден пайдаланған халда сол дәуірде фотостудия хәм лаборатория кабинети менен тәмийнленген еди.

Ғәрезсизлигимиздің епкини менен Президентимиздің журналист қәнигелерди жетилистириу мәселесине айрықша итибар қаратқаны мәлим. Журналист қанигелерди қоллап-қууатлау, олардың жумысларын жанландыруу ушын «Ғалаба хабар қураллары хақында» нызам, Өзбекстан Республикасы Минстрлер Кабинетиниң 1992 жыл 26-февральдағы «Журналист кадрларды таярлау хәм қайта таярлау системасын жетилистириу хақында»ғы қарарына тийкарланып Бердак атындағы қарақалпақ мәмлекетлик университетгинде 1999-жылдың апрель айында журналистика бөлими шөлкемлестирилди. Усы қарар тийкарында бөлимди маман қәнигелер менен тәмийнлеу мақсетинде профессор-оқытыушылар лауазымларға таңлау тийкарында қабыл етилди. Соның менен бирге кафедра жумысына республикамызға белгили болған журналистлер хәм тараудың пидайы қәнигелери кең түрде қатнастырылды.

Оқыу усылы, илимий ислери Өзбекстан Республикасы Министрлер Кабинетиниң 2001-жыл 16-август 343-санлы қарары менен тастыйықланған жаңа «мәмлекетлик таълим стандартлары» тийкарында шөлкемлестирилди.

2002-жылдың 27-августтағы Өзбекстан Республикасы Президенти И.А. Каримовтың «Өзбекстанда демократиялық өзгерислерди жәнеде тереңлестиріу

ҳам пухаралык жамийети тийкарларын кәлиплестириўдин тийкарғы бағдарлары» атлы баянатынан келип шығып бир қатар ўазыйпаларды әмелге асырыў мақсетинде журналистика бәлиминиң студентлери атаклы журналистлер ҳәм университет профессор-оқытыўшылары менен бирге сәўбетлесиўлер өткерип келмекте. «Төртинши ҳәкимияттын күшли ҳәм эззи тәрепи» тамасында өткерилген семинарда республикамызға белгили журналистлер менен бирге республикамыз көлеминде шығып турған газета ҳәм журналлардың редакторлары ҳәм белгили инсанлар қатнасты.

Журналистика кәнигелиги дәўир менен тең кәдем таслайтуғын кәнигеликлердин бири болып табылады. Сол ушын бул кәнигеликте оқып атырған студентлер теория менен бирге практиканы теңдей алып барыўы талап етилиди. Усы өзгешеликлерди есапқа алған ҳалда студентлер өз практикаларын республикамыздың белгили газеталары болған «Еркин Қарақалпақстан», «Қарақалпақстан жаслары», «Жеткеншек» ҳәм тағы басқа газеталар ҳәм Қарақалпақстан телерадиоканалында өндириллик практикада болып өз кәнигеликлерин жетилистирип барады. Бул редакциялар менен шәртнамалар дүзилген.

Бүгинги күнге келип дәўир епкини менен кафедрада жумысларды жетилистириў мақсетинде университет ректоры тәрепинен үлкен көлемде жумыс алып бармақта. Қарақалпақ филология факультети курамында искерлик көрсетип атырған журналистика кәнигелигинде үлкен көлемдеги жумыслар әмелге асырылады. «Журналистика» кафедрасы на тийисли болған фотолaborатория 2007-жылы қайта реконструкция исленди.

Кафедраның илимий педагогикалық базасының беккемлениўи нәтийжесинде, «Журналистика тараўлар бойынша», «Ғалаба хабар куралларында реклама» кәнигеликлери бойынша магистрантлар таярланып келинбекте. Бул кәнигеликлерди оқып питкерген жаслар келешекте илимий жумысларын даўам етип аспирантураға кирип билим алмақта.

Кафедрада бир илим докторы 5 илим кандидаты, алты ассистент-оқытыўшылар студентлерге тыянақлы билим берип келмекте.

Буннан тысқары студентлердин Өзбекстан көлеминде жайласқан университетлердин тәжрийбелерин үйрениў мақсетинде Өзбекстан мәмлкетлик жәхән тиллери университети Халықаралық журналистика факультети «Ғалаба коммуникация ҳәм хабар технологиялары» кафедрасы баслығы, профессор Файзулла Мўминов ҳәм Жәхән экономикасы ҳәм дипломатия университетинин профессоры Фотима Мўминовалар университетимизде болып өз тәжрийбесин, билимин студентлерге үйретип келмекте.

Бүгинги күни журналистика кафедрасына көп жыллык тәжрийбеге ийе, әдебиятганыў ҳәм фольклористика илимине үлкен үлес қосып қиятырған илимпаз, профессор Юнус Пахратдинов басшылық етип келмекте.

Улыўма алғанда, журналистика кафедрасында жумыслар мәмлкетлик таълим стандарты гийкарында алып барылмақта. Бизиң ойымызша, журналистика кафедрасынан еледе маман кәнигелер жетилилип шыға бсреди.

Журналистика хәм журналистлер бизиң келешегимиз

Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлкетлик университети курамында журналистика қәнигелигиниң ашылғанына быйыл саррас 25 жыл толды. Бул жыллар дәуиринде 500 ден артық заманымызға сай жас журналистлер қанат қомлап Республикамыздын барлық ғалаба хабар қураллары тарауларына жумысқа орналасты. Жетик, тәжірийбели журналист аға-апаларымыз ғамхорлығында олардың барлығыда бар интасы менен өз қәнигелигиниң терең сырларын менгерип келмекте.

Журналист кадрларды таярлау Президентимиз тәрәпинен үлкен ғамхорлықларға бөленбекте. Тек ғана бизиң Республикамыз территориясында 39 газета 2 баспахана, 7 журнал, 1 бюллетень, Қарақалпақстан телерадиокомпаниясы, сондай-ақ 2 коммерациялық телевидение (Төрткүл, Елликқала) хәрекет етип тур. Оларда ислеп атырған ең талантлы журналистлер бүгинги ғәрәзсизлик дәуириниң өзине тән жарасықлы сан әлуан нәтижелерин дүньяға танытпақта.

Журналистлик кәсип дүньяда ең хұрметли кәсип. Оны ийелеген адам өз дәуириниң қадирли инсанлары есапланады. Оның өзине жарасықлы машақатлары да аз емес. Журналист жариялаған сан мың хабарларды оқып, тыңлап отырып аңсат бир ғана жақсы хабарлар өз-өзинен табылып турғандай сезесен. Бирак оларға деген сырлы изленислерден кейин жүзеге асып атырғанын тек журналист ғана биледи. Неше күнлеп түнди-түн, күнди-күн демей жуырып жортып, маңлайдан тер төгіп бир ғана жаңа хабардың сырлы сандығын ашыудағы хәрекетлер тек ғана журналистлерге аян. Хәрбир жаңалықты биринши болып журтшылыққа жеткеріу ушын қаншадан-қанша хәрекет, күш, талант жигер керек. Оның жол машқалалары, жазыу, сөйлеу өнери тегинликтен қолға киргизиле ме?

Юрий Гагаринниң космосқа биринши болып ушқанын дағазалауда журналисттиң изленислерин бир ядка түсирип көриң. Сырт ел хабаршылары бир неше ай, жыл бурын космосқа адам ушатуғынын еситип қаншадан-қанша тың-тыңлап жасырын мағлыұматларды күтип жатты. Бирак сол космослық кемеде биринши болып ким ушады, ол қатты сыр еди. АҚШ ғалаба хабар қураллары агентликлери бурынғы «СССР да космосқа биринши ирет ким ушатуғынын билген, жәриялаған журналистке миллион доллар сыйлық бсретуғынын бурыннан дағазалап қойды» Әне сонда биринши ирет журналистлер Москвадан хабарлап үлгерди. Не деген құдиретли толғаныулар. тапқырлықлар, илгир зейинлилик, шаққанлық, талант талап етилди.

Мине, хабаршы-журналистлердин хәрбир жаңалықты жәриялауы мысалы усы тақылет хызметке тәхәббил болады. Жаңалықтың үлкен-кишиси жоқ. Оны биринши жәриялаушынын талабына, шаққанлығына, епшиллигине, шеберлигине байланыслы.

Бердақ атындағы КҚМУдын Қарақалпақ филологиясы факультетинде бүгинги күни журналистика бөлими журналист кадрларды таярлап шығарады.

Бул бөлімде хәр жылы 25-30 жас журналист бакалаврлар, 6-7 магистрлер питкерип шығады. Олардың хәр бири университет қушағында өзлериниң студентлик алтын дәуирин бастан кеширеди. Усы жыллар хәрбир питкеріушиниң өмиринде узақ жыллар сақланатуғыны тәбийғый. Теориялық алған билимлерин әмелде сынап көреді.

Журналистика бөліминиң гейпара студентлери I-курсқа бираз турмыс жатлығуына өтипте келеді. Мектеп практикасынан баслап хабарлар, қосықлар, гүрринлер жазып, оларды жергиликли басылымларда жәриялап, радио хәм телевидение арқалы шығып сөйлеп, өзлерин бирқанша кәсіпке мөлшерлетте келеді. Бундай абитуриентлер журналистика бөлімінде оғада көп. Олар келиуден-ақ өзлеринде кәсіпке болған қызығушылығын күнт пенен ийелей баслайды.

Хәзирги ғәрезсизлик дәуиримизде Ғалаба хабар қурааларының бахалылығы хәм әхмийети оғада артты. Ол жәмийеттиң, оның қатламларының ишкерисине терең кирип, сиңсип, араласып, сол топарлардың идеологиясын, сиясий мақсетлерин хәр тәреплеме иске асыруышы белгили күшке айланды. Олардың (журналистлердиң) дәретиушилиқ услуб хәм методлары, тил хәм суўретлеу шеберлиги, жана қахарманлар дәретиу, табыу арқалы әдебий процесстиң, турмыстың ең шаққан, оператив бир мүшеси болып хәрәкет етпекте

Бүгинги күни усындай журналист кадрларды таярлап шығаруы жолында Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университети ректоры, Қарақалпақ филологиясы деканаты, журналистика кафедрасының профессор-оқытушылары жәмәәти барлық мүмкиншиликлерди иске салып атыр. Журналистика бөлімінде 129 баралаврият, 15 магистрант билим алады. Оларға 3 профессор-илим докторлары, 6 илим кандидатлары, алты ассистент, оқытушылары билим береді хәм илимий жұмысларына қосымша еки илим докторы сегіз илим кандидаты, үш Республикаға мийнети сиңген журналистлер питкеріу жұмысларына, магистрлердин диссертацияларына басшылық етеді. Бундай мүмкиншиликлер айрым қәнигеликлерде бизлердегидей емес. Бөлімде илимий дәрежелилер саны жетеді.

Әдетте журналист өзиниң ең жоқарғы мақсетине өзиниң билими, терең ойлаушылығы менен ана Ұатанына ҳадал берилгенлиги, туўылып өскен ана топырағына көздиң қарашығындай етип қәдірлеуи менен ериседи. Сонлықтанда журналист идеялық жақтан өз бағдарын жетик анықлап, белгилеп, әдеп-иқрамлылық нормаларын терең ийелеп, кәсіплик шеберлигин, оның сән-әлўан сырларын айрықша өзлестирип, бүгинги дәуир руўхын дәл сезе билиуи арқалы ғана ерисиуи зәрүр. Сонда ғана ол болып атырған ўақыяларды хабарлап ғана қоймай, оларға жеке өзиниң анық мүнәсибестин билдире алады. Яғный ўақыяның раўажланыу барысына толық баха бере алады.

Журналисттиң өмиринде не нәрселер ушыраспайды дейсең. Егер проблемалық мәселелер туўылып қалса оған ойланып отыруы мүмкиншилигине ийе емес. Ол мезгилли, мезгилсиз сол мәселени үйрениуи шәрт. Пайда болып қалған машқалаға тарийхый аспекттен қатнасып альтернатив ўақыялар менен тез салыстырып оператив шешим қабыл етиуи

талап етиледі. Сол пайда болған машқалаға жеке өз пикирин билдиреді. Ұақыт жетпесе қайта оралады. Түбінде мәселе питкенше оны өзинің қадағалаушы мүлкіне айландырады. Сонда ғана журналист алдына қойған мақсетіне ерисиуі мүмкін. Бундай дәрежеде жұмыс алып бармаған журналист турмыста шетке шығып калатуғыны табиғый.

Қарақалпақ филологиясы факультетинің журналистика бөлімінің 25 жылдық тарихый жолларды басып өтседе, оның бүгинги хәм келешегинде көп ғана идералды ислерди бежеріу ұазыйпалары турыпты. Жасыратуғыны жоқ журналистика бөлімінде ислейтуғын профессор-оқытушылар елеге дейин оқыу сабақлықлары, оқыу методикалық қураалларына толық ийе емес. Сонлықтанда Өзбекстан Миллий университети, Өзбекстан мәмлекетлик жәхән тиллери университетинің журналистика факультети хәм кафедраларының қалыс жәрдемлери тийкарында көплеген оқыу колланбаларды алып келип пайдаланып турыуға мәжбүрмиз. Кейинги 2 жылда тәжрийбелі оқытушыларға «Қарақалпақстан журналистика тарийхы», «Қарақалпақстан баспа сөз хәм баспа ислер тарийхы», «Қарақалпақстан телерадио тарийхы», «Журналистика социологиясы», «Ораторлық өнери тийкарлары», «Журналистика жанрлары», «Аналитикалық жанрлар», «Реклама», «Спорт» бойыншы оқыулық, оқыу қурааллары, методикалық еслетпелер жазып шығу мәселелери колға алынып атыр. Бул пәнлер бойынша лекция текстлери таярланып айырымлары баспаға рухсат етилмекте. Ол дәслепки нәтижелерин берип атыр.

Журналистика бөлімінде оқып атырған студент жаслар Өзбекстан Республикасы, Қарақалпақстан Республикасында жаслар топарларынан ең талантлылары жеңип алатуғын сыйлықларға, стипендияларға миясар болмақта. Олардың ишинде күшли спорт шебери, талантлы хош хаўаз жигит-қызлар хәм ойыншылар көп. Жылда дәстүрге айланған факультет аралық таңлауларда журналистика бөлімінің жаслары алдыңғы орынлардың бирин ийелейди.

III-курс журналистика бөлімінде сондай талантқа ийе студентлер бар, олар келешегимиздің уллы күши есапланады. Олардан:

1) Нурымбетова Гүлнара өзи шайыр, жазыушы, 2005-2006-жыллары «Мехир нуры» шөлкемнің грантын, 2006-2007-жыллардағы «Келешек хаўазы» таңлауынын жеңимпазы, 2007-жылы «Дардли Дунё нифолари» топламына шықты. Өзиндеги жеке қыйыншылықларға карамастан хеш ұақытта да рууҳын түсирген емес. Гүлнарадан хәмме студентлер өрнек алса арзыйды. Оқыуда зейни илгер, мийнеткеш қыз.

2). Хәбиппазарова Гәўхар – оғада талантлы студент. Ол 2006-2007-жылларғы «Келешек хаўазы» таңлауына катнасты. 2007-жылғы «Зульфия» атындағы мәмлекетлик сыйлыққа усынылды. 2007-жылы Елликкалада өткерилген «Ақша көл» илхамлары 4-әнжуманына катнасып «Ең жаксы Ұатан косығы ушын» номинациясы бойынша жеңимпаз болды. 2007-жыл Жокары хәм Орта анраўлы билимлендириу министрлиги тәрәпинен «Зийрек студентлер ушын стипендиялар» дәстүринин жеңимпазы болып сертификат алды.

3) Өтепиязова Эльмира 2005-2006-жыллары «Келешек хаўазы» таңлауына Өзбекстан Республикалық басқышына катнасты. Ал 2006-2007-

жыллары «Келешек ҳаёзы» таңлаўиның «Ихтидорли талабалар» степендиялар дәстүри жеңимпазы болды.

4) Өбдимуратова Зияда 2007-2008-жылларғы «Келешек ҳаёзы» таңлаўиның жеңимпазы.

5) Исакова Гүлмийра 2007-жыл Ташкент қаласында өткерилген Универсиадада волейбол бойынша сайланды команда топарында қатнасып қайтты.

Солай етип, «Журналистика» кафедрасы оқытыўшылары алдында келешек жас журналистлерди таярлап шығарыўда оғада үлкен ўазыйпалар турыпты. Өткен оқыў жылында Өзбекстан Миллий Университети Журналистика факультети, Өзбекстан Мәмлекетлик Жәхән тиллери университети Халық аралық журналистика факультети ҳәм кафедралары менен өз-ара тәжрийбе алмасыў, бир-биреўге илимий аспекте жәрдем беріў туўралы 2007-2012-жылларға келисим дүзип, шәртнамаға еки тәрәп ректорлары кол койысты. Студентлердиң өндириллик практикадан өтиўинде ҳәм маманлығын жетилистириўде жақыннан жәрдем беріў бойынша республикалық газеталар болған «Еркин Қарақалпақстан», «Қарақалпақстан жаслары», «Устаз жолы», «Тынышлық сақшысы» ҳәм Қарақалпақстан телерадиокомпаниясы бас редакторлары менен 5 жылға келисим шәртнамасы дүзилди. Бул орайларда бакалаврлар, магистрлер өзлериниң практика мүддетлерин үзликсиз өткерип киятыр. Жоқарыдағы аты көрсетилген университетлердиң профессорлары ҳәр жылы факультетимизде болып студентлерге лекция өтип атыр. Бул дәстүр ҳәр жылы даўам ете береді.

Журналистика бөлиминде оқыў-методикалық кабинети ҳәм лаборатория бар. Олар үзликсиз ислейди. Жақында «Еркин Қарақалпақстан» газетасының бас редакторы К.Кәримов пенен ислесип газета жәмәәти жанынан талантлы «Жас журналист» студентлер топарын шөлкемлестирип мастер класс бөлимин ашпақшымыз. Оған тәжрийбели оқытыўшылар, журналистлер сабақ беріўге мирәт етилген.

Бөлим жанынан «Жас журналистлер клубы» дүзилип атыр. Студентлердиң талантын жетилистирип барыўда бул үлкен лаборатория болады.

Егер биз алдымызға мақсет етип қойған жоқарыдағы машқалаларымызды басқышпа-басқыш әмелге асырып барсақ әлбетте үлкен нәтийжелерге ерисе аламыз деп ойлайман.

Файзулла МҰМИНОВ
(ЎЗДЖТУ, каф. мудири)

ҲОКИМИЯТЛАР ТРИУМВИРАТИ

Узок йиллар давомида демократиянинг етакчи шарти сифатида ҳоқимиятлар бўлиниши хизмат қилиб келди. Бу принципга Қадимий Юнонистонда асос солинган эди. XVII–XVIII асрларда эса бу қондага бир қатор Европа файласуфлари назарий асос яратиб, уни барча демократияга интилизган мамлакатлар учун зарур эканлигини исботлаб берди. Шундай

килиб, давлат бошқарувининг уч йўналиши: қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятларининг бир бирига тенглиги, ўзаро мurosаси демократияни таъминловчи бош механизм деб қабул қилинди. Мазкур принцип Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида ҳам ўз аксини топди.

XV асрда босма матбуот ихтиро қилинди ва аста-секин кучая бошлади. XX асрга келиб, газета ва журналлар жамият ривожланишига шу қадар катта таъсир кўрсата бошладик, уларга “тўртинчи ҳокимият” деган ном берилди. Албатта, матбуот анъанавий тўртинчи ҳокимият эмас-ди, чунки унда одатдаги ҳокимиятларда бор маъмурий аппарат ёки қуролли кучлар йўқ эди. Шунга қарамадан матбуотнинг жамоавий назоратчи сифатида кучи баланд бўлди ва “тўртинчи ҳокимият” деб берилган таъриф дунёга тарқалди. Ҳақиқий демократик мамлакатларда “тўртинчи ҳокимият” юқори даражада ривожланиб, унинг битта ўзи ҳокимиятнинг қолган уч йўналинишига бемалол тенг кела оладиган бўлди.

XX асрнинг ўрталарида инсоният ҳаётига кириб келган ахборот даври вазиятни аввалгидан ҳам жиддийроқ тарзда, айтиш мумкинки, тубдан ўзгартирди. Ахборот оқимлари шундай кўпайиб кетдики, улар қолган уч ҳокимиятни деярли менсимай қўйди. Қолаверса, жадал ахборот алмашуви инсонни ҳам жиддий ўзгартирди, натижада жамиятдаги мувозанат бузила бошлади. Бу масала қанча жиддий бўлса, шунча мураккаб ҳам. Демак, биз уни бир оз батафсилроқ тушунтиришимиз керак.

Ахборот асрида бир қатор бундан олдин инсоният тарихида бўлмаган ўзгаришлар рўй берди. Масалан, АҚШда ахборотнинг эркин алмашуви ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражаси жуда баланд бўлганлиги сабабли, жамият аъзолари яхши яшашга интила бошладилар ва яхши натижаларга эришдилар ҳам. Фақат фойдали ишни кўзлаб яшаш ва ишлаш машҳур америкалик прагматизмнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига асос солди. Бугунги кунда бу мамлакат фуқароларидан “Сиз худога ишонасизми?” деб сўрасангиз, аксарият америкаликлар “ха” деб жавоб беради. Лекин “Сизнинг динингиз қанақа дин?” деган саволга аниқ жавоб олишингиз қийин, чунки бу мамлакат аҳолисининг анчагина қисми анъанавий дин ва фуқаролик динлардан қайси бирини танлашни билмасдан ўртада қолиб кетмоқда. Бошқача қилиб айтганда, америкаликларнинг дини – пайғамбарсиз, диний символикасиз диндир. Машҳур файласуф Карл Юннинг таъбири билан айтганда, ўта ривожланган мамлакатлар аҳолиси “муқаддас деворларни штурм” қилиб, уларни кулатдилар. “Муқаддас девор” деганда Карл Юнг динни назарда тутган эди.

Демак, ахборот асри иккита принципиал аҳамиятга эга бўлган ўзгаришни рўёбга чиқарди. Биринчиси, ҳокимиятлар мувозанати бузилди, демократик давлатларда “тўртинчи ҳокимият” бошқа ҳокимиятлар устидан галаба қозонди ва улар билан ҳисоблашмай қўйди. Иккинчидан, инсон фикрлаши, кундалик фаолияти ва бошқалар билан муносабати ниҳоятда рационаллашиб кетди-ки, у фақат фойда, даромадни изидан қувлай бошлади ва бундай ҳаракатлар давомида ҳатто муқаддас деворларнинг ҳам енгди.

Энди мувозанатни қандай қилиб тиклаш мумкин-ки, инсоният бориб-бориб табиат ва ўз ҳаётига барҳам бермасин? Инсон учун қандай муқаддас қадриятлар бор-ки, у уларга риоя қилсин, ниманидир ҳурмат қилсин, олий мезон сифатида тан олсин?

Бизнингча, бундай қадриятлар учта: ишонч, ақл ва ҳиссиёт, ёки бошқача қилиб айтганда, дин, давлат ва ОАВ. Нега айнан ушбу триумвират мувозанати ҳақида гап кетмоқда? Фикримизни асослаб берайлик. Давлат – бу инсонни унинг табиатида бўлган ёввойиликдан қочиши, жамоавий ҳаётни ақл асосида ташкил этиши. Бу ҳақда Абу Наср Фаробий ўзининг “Фозил одамлар шахри” асарида ҳам ёзган. Дин – бу ёвузликдан ишонч йўлига ўтиш, ишонч ёрдамида ички ваҳшийликдан сакланиш. ОАВ мазмуни эса инсон ҳиссиёт ва онгининг бирлиги, диалектик ойнаси. Демак, триумвиратнинг барча компонентлари одамнинг ички хусусиятлари, унинг табиатидаги ҳиссиёт ва ақл ўртасидаги доимий кураш билан боғлиқ.

Гап шундаки, инсон унинг психикасида бўлиб ўтаётган жараёнларни ўзи ҳам яхши билмайди, тушунмайди ва улардан қўрқади, гарчи унинг фикрлаши бошидан охиригача улардан иборат бўлса ҳам. Лекин одам мазкур жараёнлар таъсири остида яшайди, уни айнан шу каби психик ҳолатлар бошқаради, яхшилик ёки ёмонликка даъват этади. Энг мураккаб жойи шундаки, инсонни асосан беихтиёрий онг (бессознательное) бошқаради (файласуфлар одатда “бессознательное”ни “онгсизлик” деб таржима қилишади, биз буни жиддий хато деб ҳисоблаймиз). Инсон табиати глобал тарзда рационаллик ва ҳиссиётлилика бўлинади, лекин шу билан бир қаторда унинг беихтиёрий онгида архетиплар, инстинктлар ҳам бор.

Адолат – мувозанат бор жойда бор. Қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятларининг бўлиниши маълум асрлар давомида бундай мувозанатни таъминлаб келди. Лекин ахборот асрида вазият кескин ўзгарди. Янги шароитда мувозанат кўп томонлама, чуқур, астойдил, барқарор бўлмоғи даркор. Электрон асрда телевидение, радио ва интернет инсон ҳиссиётларининг давоми бўлиб қолди, қолаверса, улар инсон билан бирликни ташкил этадиган бўлди. Ахборот асри инсонни аграр ва индустриал даврлар одамларидан жиддий фарқ қилади, у ахборотнинг кучли таъсирида яшайди, ҳатто, кўпол ўхшатиш учун узр сўраймиз, инсон ахборот гиёҳвандига айланади. Ахборот одамлар бошқарувидан чиқиб кетади, у инсонларга бўйсинмай қўяди, одамнинг ихтиёрий ва беихтиёрий онгини ахборот манбаи ҳоҳлаган томонга буради.

Ахборот тарқатиш усуллари кўп ҳолларда нейролингвистик дастурлаш шаклларига ўтиб кетади. Бу эса жуда катта хавф. Украиналик олим Г.Г. Почепцов нейролингвистик дастурлашни шприц ёрдамида одамга солинаётган дорига қиёслади, шу сабабли унга ҳеч нарсани қарши қўйиб бўлмайди, деб ёзади. Бу ўхшатиш бекорга келтирилмаган.

Ахборот инсон назоратидан чиқиб кетганини биз интернет мисолида кўришимиз мумкин. Интернетни ҳеч ким бошқаролмаяпти. Ҳоҳлаган одам ҳоҳлаган маълумотларини виртуал тармоқда жойлаштирмоқда. Инсон табиати кўпроқ ҳиссиётдан иборат бўлганлиги сабабли интернетдаги ахборотларнинг

асосий қисми – анекдотлар, миш-мишлар, порнография ва шу каби бўлмагур хабарлар. Чунки истеъмолчилар бунӣ ёқтирадилар.

Олдинги даврларда ахборот тарқатиш жараёнларини дин ва давлат бошқариб келган эди ва бу мураккаб ишни уддалай оларди. Дин инсонни ёввойи тасаввурлардан маданий фикрлашга эргашган, одам кўрқадиган, тушунмайдиган табиий ҳодисаларнинг ечимини топиб берган. Кўп минг йилликлар давомида дин инсон учун фалсафа ролини бажарди ва одам дин ёрдамида ўзи яшайдиган дунё нима эканлигини тушуниб келди. Энг муҳими шундаки, инсон ўз-ўзидан, ўз табиатидан, ўз ички ҳиссиётларидан кўрқиб яшаган пайтларда дин уни ушбу кўрқувлардан қутқарди, чунки уларнинг келиб чиқиши ва сабабларини тушунтирди. Натижада дин инсонда ишончдек қучли сезгини мустаҳкам тарзда шакллантирди ва бугунги кунда улар бир-бири билан айриб бўлмайдиган даражага етди. Немис файласуфи Иммануил Кантнинг жуда қучли формуласи бор – агар худо бўлмаганда, инсон уни ихтиро қилиши зарур эди, чунки у худосиз яшолмайди.

Ишонч – бу инсоннинг энг мустаҳкам, ички қоровули. Ишонч инсонни давлатдан кўра яхшироқ асрайди. Шунинг учун ўрта асрларда руҳоний ва олимлар кўркмасдан гулханларга чиққанлар. Агар инсон ишончдан маҳрум бўлса, бу унинг учун ниҳоятда катта жудалик, фожеа бўлади, чунки ўшанда одам ҳеч нарсага, ваҳоланки, энг олий кадриятларга бўйсинмай қўяди. Демак, ишонч одамни инсон қиёфасида сақлайдиган асосий воситалардан бири. Одам, биологик мавжудот сифатида, ишончга ўта муҳтож ва усиз яшолмайди. Ишончининг энг қучли ва мустаҳкам кўриниши – бу дин.

Энди ахборот даврида давлат қандай бўлишига ўтамиз. Инсоният ўз тарихи давомида давлат деб номланган ижтимоий институтга ниҳоятда юқори баҳо бериб келди, уни қадрлади. Натижада бугун давлат – ҳокимият тури сифатида – энг ишонарли, мустаҳкам жамоавий ҳокимият деб топилиди. Ер юзидаги барча мамлакатларни бошқариш бугун давлат бошқаруви тарзида амалга оширилмоқда.

Давлат унинг иродасини жамият аъзолари бажариш учун бир қатор маънавий (мафкура) ва жисмоний (армия, милиция ва ҳ.к.) имкониятлардан кенг фойдаланмоқда. Ахборот давригача давлат бошқарувининг асосий йўналишлардан бири – давлат шунга ваколат берган идоралар ва шахслар томонидан оммавий ахборотни ишлаб чиқиш ва тарқатиш эди. Бундай ахборот биринчи ўринда давлат манфаатларини ҳимоя қиларди ва уларни кенг оммага етказиб тушунтирарди. Қисқа қилиб айтганда, ахборот давридан олдинги босқичларда давлат ўз ғоявий таъсири мамлакат фуқароларига бемалол сингдириб келган эди.

Ахборот даврида давлатнинг ахборот монополиясига барҳам берилди. Ахборот тарқатиш ва шу йўл билан турли институтлар, ижтимоий қатламлар ва шахсларнинг жамоавий онгига эга бўлиш – ахборот ёйишга имкониятлари борларга ўтиб кетди. Бугунги кунда бундай ахборот манбалари таркибида турли газета-журнал, радио ва телевидение, интернет кенгликларида ишлайдиган компания, студия, тахририятлар, корпорация, концерн ва ҳоказолар бор.

Яна бир муҳим масала шахсий ахборот алмашувига тегишли. Охирги ўн йилликда шахслар ўртасидаги индивидуал ахборот алмашуви тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада ўсиб кетди. Бугун ҳар бир шахс давлатдан эмас, ўзи хоҳлаган манбадан хоҳлаганча ахборот олиши мумкин. Ахборотга эга бўлган дунёга эга бўлади, деган тушунча бор. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ахборот монополиясини қўлдан чиқарган давлатнинг кучи ахборот асрида пасаяди ва у ноилож заиф ижтимоий тузилмага айланади.

Оммавий ахборот воситаларига “тўртинчи ҳокимият” сифатида қисқача таъриф берайлик. Ижтимоий фикр ҳокимияти сифатидаги оммавий ахборотнинг кучи қуйидагилардан иборат. Биринчидан, ОАВ энг оммавий куч, чунки уларнинг хабарлари кўп одамларгача етиб боради. Иккинчидан, бу тезкор восита. Учинчидан, ОАВ хабарлари кенг миқёсда тарқатилади ва ҳамма жойга етиб боради. Тўртинчидан, журналистика умумхалқ назоратчи бўлиб, қолган уч ҳокимият фаолиятини кузатиб боради. Бешинчидан, демократик институт сифатида ҳам журналистиканинг устуворлига шубҳа йўқ, чунки ҳар бир киши хоҳлаган таҳририятига мурожаат этиши мумкин.

Энди тўртинчи ҳокимият сифатида ОАВнинг камчиликларига ўтамыз. Биринчидан, журналистика кенг қамровли ҳокимият бўлгани билан у чуқур илдизли, узгармайдиган ҳокимият эмас. Иккинчидан, ижтимоий фикрда яқдиллик йўқ, ОАВ мустақкам ҳокимият ҳам эмас. Учинчидан, журналистиканинг, давлат қаби, уни қарорларини бажаришга мажбурлайдиган кучи йўқ. Тўртинчидан, тезкорлик билан фаолият юритишга мажбур бўлган журналистлар турли хатоларга йўл қўйишлари мумкин. Бешинчидан, ўзларига ҳаддан ташқари кўп ваколат берган журналистлар (шахсий ҳаётга аралashiш, тухмат) тўртинчи ҳокимият обрўсини туширадилар ва ҳ.к.

Хулоса. Ахборот даврида жамиятда мувозанатни сақлаш принципи ўзгаради. Оммавий ахборот воситалари кескин ривожланиши сабабли ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд ўртасида бўлиниши етарли бўлмай қолади. “Тўртинчи ҳокимият” шу қадар кучайиб кетадики, инсон, унга ОАВ томонидан берилган имкониятларни эпполмай, қалаванинг учини йўқотиб қўяди. Янги вазиятда мувозанатни ишонч (дин), ақл (давлат) ва ҳиссиёт (ОАВ) ўртасидаги тенглик ёрдамида тиклаш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Олимжон ЎСАРОВ
(ЎЗДЖТУ, тадқиқотчи)

Оммавий ахборот воситаларида суд транспарентлиги: тушунчаси, шакллари ва журналистика самарадорлигига таъсири

Маълумки, ҳукукий ахборот ижтимоий ахборот сифатида ҳамиша аҳолининг катта қизиқишига сабаб бўлиб келган. Шу боис барча ижтимоий-оммабоп нашрлар ўз саҳифаларида ҳукукий ҳужжатларнинг шарҳлари, кенг аудитория саволларига ҳуқуқшунослар томонидан берилган жавоблар, суд процессига доир ахборотлар, ҳуқуқбузарлик ва унга қарши курашга

бағишланган тахлилий мақолалар, “криминал хабарлар” учун алоҳида саҳифа ажратадилар.¹ Оммавий ахборот воситалари шу йўл билан ижтимоий ахборотнинг алоҳида тури бўлган ҳуқуқий ахборотни тарқатадилар ҳамда фуқароларни ҳуқуқий ахборот билан таъминлашнинг, жумладан суд транспарентлигини амалга оширишнинг муҳим воситаси вазифасини бажарадилар. Шу боис ривожланган демократик давлатларда ОАВ томонидан суд транспарентлиги институтига алоҳида эътибор қаратилади.

Суд транспарентлиги нафакат суд-ҳуқуқ соҳасига, аynи пайтда журналистикага дахлдор тушунча ҳисобланади. Чунки одил судловнинг очиклиги ва ошкоралигини таъминлаш жуда кўп жиҳатдан оммавий ахборот воситалари фаолиятига ҳам боғлиқ. Суд залида омманинг иштироки ва суд процессларининг ОАВда ёритилиб борилиши кенг маънода давлат фаолиятининг, тор маънода эса суд ҳокимиятининг махфийлиги ва ёпиклиги тушунчасини инкор этади. Зеро, махфийлик ва ёпиклик тоталитар, авторитар ва бошқа нодемократик сиёсий тузумларга хос хусусият саналади. Машҳур америкалик тарихчи ва сиёсатшунос А.М.Шлезингер таъкидлаганидек, ёпиклик “жамиятдан давлатнинг қолоқлик, порахўрлик жиҳатларини ва жиноятларини беркитиш” учун хизмат қилади.² Транспарентлик эса демократик давлатнинг, фуқаролик жамиятининг муҳим шартидир.

ТРАНСПАРЕНТлик тушунчаси (*лотинча trans - бошдан-оёқ; бошдан охиригача, + рагео – аён бўлмоқ, ошкор бўлмоқ; сўзларидан олинган бўлиб*)³ бизга инглиз журналистика мактаби орқали (“transparent”) кириб келган ва луғавий маъносига кўра, *шаффофлик, очиклик, ошкоралик, оммавийлик* сўзларининг умумлашма маъносини англатади. Мазкур тушунча бугунги кунда сайлов, суд-ҳуқуқ, иқтисодиёт, молия, айниқса, ОАВ соҳасида кенг қўлланилаётганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Бирок таъкидлаш керакки, журналистикага оид баъзи адабиётларда транспарентлик тушунчаси ўзбек тилида ошкоралик, очиклик шаклида таржима қилинмоқда. Журналистлар учун терминлардан тўғри фойдаланиш жуда муҳимдир. Бизнингча, ошкоралик ёки очиклик сўзлари транспарентлик тушунчасининг мазмун-моҳиятини тўла очиб бера олмайди. “Очиклик” атамаси бир томондан суд қарорига нисбатан тааллуқли ҳисобланса, иккинчи томондан давлат органи сифатида судларга нисбатан қўлланилади. “Ошкоралик” эса (фуқаролик ёки жиноят процессуал ҳуқуқида) давлат томонидан суд жараёни бошланганлигини ва бу жараёни фуқароларнинг бевосита кузатиш имконияти мавжудлигини англатади. Шу сабабли биз тадқиқотимизда умумэътироф этилган мазмун ва шаклда транспарентлик тушунчасини қўллашни лозим деб топдик.

¹ Ўзбекистон босма оммавий ахборот воситаларида 2002-2007 йилларда суд-ҳуқуқ ислохотлари, хусусан, суд процессларининг ёритилиши даражаси ва сифатини яхшилаш мақсадида ўқатишган тахлилий натижалари шунинг кўрсаткичи, нашрлар тоифаси бўйича газетанинг кўридан ҳар бир (8040 та) сонига деярли биттадан мақола тўғри келади ва газетхонлар томонидан энг кўп ўқиладиган, шунингдек тахририятлардан олинган маълумотларга кўра, газетхонлардан энг кўп хат келадиган материаллар ҳам айнан суд процесслари ёки жиноят ишлари гафендотлари ёритилган мақолаларни ташкил этади.

² А.М.Шлезингер. Циклы американской истории. М., 1992. С.433.

³ Қапаниг: <http://yas.yuna.ru>

Маълумки, оммавий ахборот воситаларининг плюралиزم ва хилма-хиллиги фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.¹ Айнан шунинг учун ОАВ зиммасига ахборотларни тарқатишда жиддий фуқаролик масъулияти юклатилгандир. Яъни журналистика назарияси ва амалиётига бағишланган манбаларда қайд этилганидек, "Демократик жамиятда матбуот жуда муҳим вазифани бажариши алоҳида аҳамиятга эга омилдир. Бирок матбуот маълум чегарадан ўтмаслиги, жумладан фуқароларнинг шаъни, кадр-киммати ва ҳуқуқларига дахл қилмаслиги, шунингдек махфий маълумотларни ошкор этмаслиги лозим. Бошқа барча масалаларда, дейлик оммани кизиқтирувчи ахборот ва ғоялар ҳақида исталган шаклда (ахборотни етказиш шакллари назарда тутилмоқда — О.Ў.) ахборот етказиш матбуотнинг бурчидир".²

Шу маънода суд транспарентлигининг зарурияти шундаки, ОАВ кенг жамоатчиликка судлар тўғрисида тўлиқ ва объектив маълумотга эга бўлиш имконини бериш билан бирга, суднинг халқ орасида ҳокимият тармоғи сифатида обрўсининг ошишига, натижада мустақиллигининг мустаҳкамланишига замин яратади.

Энг муҳими, судлар тўғрисида бўлар-бўлмас гап-сўзларга чек қўйилади: фуқароларда ҳам суд ҳокимиятига, ҳам оммавий ахборот воситаларига нисбатан ишонч уйғонади. Фақат кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланган судлар ва оммавий ахборот воситаларигина ҳақиқий мустақилликка ва эркинликка эришиши мумкин.

ОАВда суд транспарентлигининг давлат ва жамият ижтимоий ҳаётидаги аҳамиятини қуйидагича асослаймиз.

Биринчидан, суд ишларининг очик юритилиши конституциявий тамойили ҳамда унда ОАВ вакиллариининг иштироки суднинг хатога йўл қўйиши эҳтимолини камайтиради, иш ҳужжатларини текширишда ҳуқуқнинг моддий ва процессуал нормаларига аниқ амал қилишнинг кафолати сифатида хизмат қилади. Масалан, 2004 йилда республика матбуотида суд процесслари таҳлил ва танқид қилинган 57 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан ўрганилди ва 18 та иш бўйича протест келтирилди. Бу эса чоп этилган мақолаларнинг 31.5 фоизига кўрсатилган камчиликлар ўз тасдиғини топиб, ишлар қайта кўриш учун юборилганлигини англатади. 6 та мақолага ёки 10.5 фоизига тўғрисида берилди (яъни иш бўйича терговга қайтарилган; жиноят иши масаласи ҳал қилинганга қадар иш юритилишини тўхтатилган ва ҳ.к.).

Ушбу фикримизга амалиётдан биргина мисол келтирамыз. Даъвогар Сурхондарё вилоят Адлия бошқармасининг (фуқаро О.Ярматовнинг манфаатини кўзиб) жавобгар Олтинсой туман ҳокимиятига нисбатин

¹ Қаранг: Европа Кенгаши Вазирлар Кўмитаси томонидан иштирокчи давлатларга берилган тавсиялар № R (94)13. (Вазирлар Кўмитаси томонидан 1994 йил 22 ноябр кунин Вазиr ўринбосарларининг 521-сессиясида қабул қилинган.)


² Европaийский суд по правам человека и защита свободcлoвa в России. прецеденты, анализ, рекомендации Т.1. Под ред. Г.В.Винокурова, А.Г.Рихтерf, В.В.Чернышова. М.: Институт проблем информaционного права. 2002 -С. 139.

фермер ҳўжалигини юритиши учун ер ажратиши масаласини ҳал этиши ҳамда етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириши ҳақидаги фуқаролик иши бўйича «Моҳият» газетасида¹ мақола чоп этилганидан сўнг иш ЎзР Олий судида белгиланган тартибда кўриб чиқилди ҳамда фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди раёсатига протест киритилди. Бизнингча, бу мисол ўзбек матбуоти фақат ҳокимиятни мақташдан нарига ўтмайди, деган иддаоларга ҳам муносиб жавоб бўла олади.

Иккинчидан, суд ишларининг очик юритилиши ва суд қарорларининг оммавий тарзда ўкилиши – фуқароларни ҳуқуқий тарбиялаш ва цивилизациялашган ҳуқуқий онгни шакллантиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Суд процесслари ва суд қарорлари тўғрисидаги ахборотлар фуқароларга асосан ОАВ томонидан етказилади. Масалан, 2007 йил 20-29 август кунлари «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўровномада қуйидаги натижа кузатилди:²

Сиз мамлакатда ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари ва судлар фаолияти тўғрисида қайси манбадан маълумот олдингиз?

(иштирокчиларнинг фоизи ҳисобида)³



Учинчидан, суд органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати — ҳуқуқий демократик давлатнинг, фуқаролик жамиятининг зарурий шартидир. Айнан ушбу жараёнда ОАВ ўзини “тўртинчи ҳокимият” сифатида намоён эта олади. Ўзбекистон (суд ва ОАВ)да шундай амалиёт мавжуд: жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотган ёки шов-шувли жисноят ишлари бўйича ўтказилажак суд процессларига ОАВ, албатта, таклиф этилади. Масалан, 2005 йил Андижон шаҳрида содир этилган террорчилик актлари бўйича ўтказилган суд мажлисини ёритиши ва жараёнлардан аҳолини хабардор этиб бориш мақсадига барча ОАВ, шу жумладан, Ўзбекистонда аккредитация қилинган хорижий ОАВ вакиллари таклиф этилди. Суд процесси давом этган бутун вақт мобайнида

¹ Моҳият. 2004. 3 апрель

² М. Хожимуҳамедов «Вопросы совершенствования освещения судебно-правовой реформы в средствах массовой информации». Доклад (конференция таркатма материаллари).

³ Сўровнома ҚҚР, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтқазилган ва унда 1600 нафар юрtdошларнинг иштирок этиди: эркеклар – 48,5%, аёллар – 51,5%; шаҳарликлар – 35,7%, қишлоқ аҳли – 64,3%

ЎзТВнинг “Ахборот”, “Давр”, “Пойтахт” информацион теледистурлари, “Маишат”, “Ёилар” радиодистурлари, “Халқ сўзи”, “Народное слово”, “Ўзбекистон овози”, “Голос Узбекистана”, “Правда востока”, “Адолат”, “Хуррият”, “Новости Узбекистана” газеталари,¹ шунингдек “BBC”, “Associated Press”, “France-Presse”, “РИА-новости”, “Итар-ТАСС”, “Die Tageszeitung” ахборот агентликлари ва тахририятлари мунтазам ёритиб боришди².

Сўз ва матбуот эркинлигини таъминлашда, ОАВнинг равнақ топишида муҳим аҳамиятга эга бўлган суд транспарентлиги институти узоқ йиллик тарихга эга. Айрим мутахассислар судга нисбатан транспарентлик талаблари XVII асрдаёқ Буюк Британияда адолатли, одил судловнинг таркибий жиҳатларидан бири сифатида шакллантирилганлигини эътироф этади ва ўз қарашларини ўша даврда Қиролликда машҳур бўлган акида билан изоҳлашди: “Одил судлов нима эканлигини билишнинг ўзи етарли эмас, балки у қандай амалга оширилишини кўриш муҳимроқдир”. Бизнингча, Швеция мазкур институтни расман шакллантирган илк мамлакатдир. Зеро, тарихий манбалар фикримизни яққол тасдиқлайди: 1766 йилдаёқ Шведцияда эркин нашрлар тўғрисидаги қонун қабул қилинган эди. Қолаверса, бу пайтга келиб, матбуот жамият ҳаётида муҳим мавқега эга бўла бошлади.

XX асрда транспарентлик институти чинаккам ҳуқуқий асосга эга бўлди: Финляндияда “Оммавий ҳужжатларнинг очиклиги тўғрисида”ги (1951), АҚШда “Ахборот эркинлиги тўғрисида”ги (1966), Данияда “Маъмурий ҳужжатлар билан танишиш тўғрисида”ги (1970), Норвегияда “Маъмурий бошқарувда ошқоралик тўғрисида”ги (1970), Францияда “Маъмурий ҳужжатлар билан танишиш ҳуқуқи тўғрисида”ги (1978), Австралияда “Ахборот эркинлиги тўғрисида”ги (1982), Канадада “Ахборот олиш имкониятлари тўғрисида”ги (1982), Австрияда “Маъмурий-федерал ахборотларни ошқор қилиш тўғрисида”ги (1987) ва Ўзбекистонда 1996 йилда “Ахборот олиш қафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонунларнинг кўпчилиги бир неча маротаба тахрирдан чиқарилди. Таъкидлаш жоизки, ушбу ҳужжатлар матбуотнинг “тўртинчи ҳокимият” сифатида шаклланишига асос бўлиб хизмат қилди.

Дарҳақиқат, фуқаролик жамияти ва унинг муҳим таркибий қисмлари, жумладан оммавий ахборот воситалари ҳамда суд ўртасидаги ўзаро муносабатларда тўлақонли ахборотга эга бўлиш алоҳида аҳамият касб этади. Айнан ОАВ ёрдамида одил судловнинг транспарентлиги судлар ва судьялар фаолиятига оид ахборотдан эркин фойдаланиш имкониятини яратади ва бу шарт давлат ҳокимияти органлари транспарентлигининг узвий қисми саналади.

Мисолларга мурожаат қилсак. “Хуррият” газетасида фуқаро Иброҳим Мирбобоевнинг “Судга боришдан безиллаб қолдим” номли мақоласи чоп

¹ Қаранг: Қайд этилган ОАВларнинг 2005 йил сентябрь ойи сонлари.

² Қаранг: <http://www.bbc.com>, www.uz.de, www.ap.org, www.itar-tass.com, www.rjan.ru, www.afp.com

этилди.¹ Унда суд идораларидаги сансаторликлар ҳақида сўз юритилади ва судьянинг беш марта суд мажлиси кўнини белгилаб, тўла асослар бўлса-да, сиртдан ҳал қилув қарори чиқармаганлиги ҳақида ёзилади. Жумладан, "...Мен кечгача жавобгар тарафни кутиб ўтирдим, аммо улар келишмади. Суд мажлиси котибасининг олдига кириб, яна жавобгар келмаганини айтган эдим, у томонлардан бири келмаса, суд мажлиси бўлмаслигини айтиб, менга бошқа кунга судга чиқирув қозонини ёзиб берди. Қизиги шундаки, мени судья қабул қилиш ўрнига унинг котибаси қабул қилди".

Хуллас, судья ҳам, жавобгар тарафлар ҳам судга келишмайди.

"Энг ёмони, ўзларининг ҳуқуқларини тиклаш учун судга мурожаат этган фуқароларнинг ҳуқуқлари судда бузилапти", — дейилади мақолада.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Президент И.А.Каримов жамиятнинг демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш, ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг муҳим йўналишларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлаб, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини мустаҳкамлаш, шунингдек оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш борасида демократик андозаларни жорий этиш ва энг асосийси, давлат ва ҳокимият тузилмалари устидан жамоат назоратини кучайтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратганлини таъкидлаш жоиздир.²

Албатта, суд ҳокимиятидек муҳим давлат органи фаолиятида транспарентлик (ошкоралик, шаффофлик)ни таъминлаш замонавий ҳуқуқий давлатчилик тизимида муҳим шарт ва қадрият ҳисобланади.

Одил судловнинг транспарентлиги шунчаки истак эмас, балки халқаро ҳужжатларда белгиланган талабдир. Аксарият халқаро ҳужжатларда одил судловни амалга ошириш ва ташкил этиш масалаларини тартибга солишчи суд ҳокимияти транспарентлиги ҳақидаги талаблар белгиланган. Масалан, 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10 ва 11-моддалари ҳуқуқ-мажбуриятларни аниқлаш ва унга нисбатан эълон қилинган жиноий айблов бўйича кўриладиган ишнинг "ошкоралик ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва ҳолис суд томонидан кўриб чиқиши"ни, 19-моддаси эса ахборот олиш эркинлигини, шу жумладан, уни кидириш ва олишдаги эркинликни эълон қилади.³ Бу каби нормалар Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт (1966 йилда қабул қилинган)да ҳам мавжуд.⁴

ОАВда Суд траспарентлигига эришишдан мақсад қуйидагилар билан изоҳланади:

биринчиси, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш;

¹ Мирбобоев Н. Судга боришдан безиляб қолдим // "Хуррият" 2004 27 октябрь.

² Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятнинг демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. — Т.: "Ўзбекистон", 2005 43-51-бетлар

³ Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар А.Х.Самов тасвир қилганлиги остида. — Т.: "Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази", 2002. 50-бет

⁴ Уша маъна. 59-60 бетлар.

иккинчиси, оммавий ахборот воситалари орқали судлар фаолияти ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш;

учинчиси, журналистлар ва судьяларнинг касб масъулияти ва малакасини ошириш;

тўртинчиси, ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари самарадорлигини ошириш, эришилган натижаларни таҳлил этиш.

Кўринадики, одил судлов транспарентлиги суднинг давлат ҳокимияти органи сифатида ахборотни, муайян суд жараёнлари ҳақидаги маълумотни олиш эркинлигини ҳамда судьялар ва уларнинг қарорлари тўғрисидаги ахборотларни ўз ичига олади ва бу вазифа асосан ОАВ орқали амалга оширилади.

Журналистика назарияси ва амалиётига бағишланган адабиётларда, шунингдек ҳуқуқий назарий тадқиқотларда суд транспарентлигининг бир неча шакли мавжудлиги баён этилади. Жумладан, фуқаролик жамияти ва суд ҳокимияти ўртасидаги ўзаро муносабатлар масаласида узок йиллардан буён илмий изланиш олиб бораётган россиялик олма Е.Б.Абросимова одил судлов транспарентлигининг 3 та асосий шаклини¹, таниқли ҳуқуқшунос олим А.Горбуз 4 та шаклини² эътироф этишади. Бизнингча, ОАВда суд транспарентлиги қуйидаги 3 та шаклда намоён бўлади.³

Еще одним эффективным путем сочетания эстрадных композиций (как национальных, так и зарубежных) с образцами узбекской музыкальной классики, на наш взгляд, является продуманная организация рубрик, посвященных музыкальному наследию, использование джинглов, заставок и т.д. Приведем пример. В эфире «ORIAT DONO» от 5 мая 2006 года переход к музыкально-поэтической композиции «Асл наволар», звучащей в эфире с 4.00 до 7.00, осуществлён следующим образом: 03.51. – песня «Севги» в исполнении Райхон, 03.58. – полутораминутная музыкальная заставка на мотив фольклорной песни «Ёр кетаман дейди». Далее идёт часовой джингл, объявляющий точное время, и начинается собственно композиция «Асл наволар». Причём, открывается она не музыкальным произведением, а соответствующими джинглами-заставками: 04.00. – заставка ««ORIAT DONO»да «Асл наволар»», 04.01. – газель А.Навои в исполнении Афзала Рафикова, 04.02 – отбивка «Санъат – миллатнинг либоси...». И лишь затем начинается собственно первая песня композиции. В течение трёх часов, которые посвящены теме классической узбекской музыки, через каждые две песни обязательно звучит специальный джингл или отбивка, освещающие о текущей программе. Завершается музыкально-поэтическая композиция «Асл наволар» подобным же образом, т.е. с использованием вспомогательных джинглов, заставок и т.д.

Таким образом, песенные образцы современной эстрады, отвечающие особенностям, описанным выше, позволяют определённым образом обрамлять ими рубрику, посвящённую узбекской классике, не нарушая при этом целостный настрой музыкального наполнения эфира.

Аналогичный принцип формирования музыкальной программы представляется приемлемым и для тех её сегментов, где ключевую роль играет ретромузыка, киномузыка и т.д. Следует подчеркнуть, что речь по-прежнему идёт о национальной классической музыке, контраст которой с общей массой современных эстрадных композиций (как отечественного, так и зарубежного производства) гораздо более очевиден, чем, скажем, то же «ретро», но на английском языке.

Вышеназванные приемы, способствующие органичному сочетанию в плей-листе исконно народных музыкальных произведений с образцами современной музыки, на наш взгляд, позволяют станциям работать в лучших традициях отечественного радио, отражая ментальность, яркую самобытность нации, развивать ее духовный и эстетический потенциал.

В условиях активизации коммерческих факторов в работе радиоструктур республики, ориентированности большей части слушательской аудитории на

современные шлягеры (как отечественные, так и зарубежные), преобладания развлекательного сегмента в общем потоке выпускаемой эфирной продукции задача по сохранению национальной идентичности, своеобразия культуры Узбекистана существенно усложняется. Наличие в сетке вещания малейшего "пробела", способного нарушить единую развлекательно-познавательную концепцию, не приветствуется. Музыка иного рода, нежели эстрадная, зачастую воспринимается в стилистически выдержанном эфире как явление чужеродное, "ломающее" формат, нарушающее динамику вещания.

Вместе с тем, изучение практики работы радиостанций Узбекистана с музыкальным материалом показало, что продуманная подача композиций, будь то эстрадное, или фольклорное произведение, не только влияет на музыкальный и эстетический вкус слушателя, но и определенным образом «ориентирует» его на станцию. Эта тенденция так называемого «привыкания» к определённым кругу смысловых и мелодических образов, а через них к музыкальному наполнению, настрою радиостанции, также представляется важной.

Подобно тому, как «каждая музыкальная культура в ходе своего исторического развития вырабатывает собственные средства художественной выразительности, закрепляя их в сознании слушателя...»¹, так и отдельно взятая личность более всего «понимает» свой музыкальный язык, заложенный и взращённый в сознании с раннего детства. В связи с этим вполне резонно отметить, что в условиях разнообразия музыкально-ритмической сферы мирового культурного пространства, нашедшего свое отражение в современном радиозфире, в общем контексте невысокого уровня звучащих сегодня композиций освоение и аккумуляция художественного опыта прошлого приобретает особую актуальность.

Как положительную тенденцию следует отметить попытки некоторых радиостанций пропагандировать не только национальную народную музыку, но и лучшие образцы оперного, балетного искусства Узбекистана. Не всегда такого рода попытки были удачными, но тенденция, несомненно, заслуживает внимания. Так, радиостанция «Гранд» четыре года тому назад выпускала в эфир специализированную программу, где в течение 5 минут звучал отрывок или произведение, принадлежащее к шедеврам музыкальной классики. Программа выходила в эфир ежедневно под достаточно информативным названием – «5 минут классики» и включала в себя, помимо музыки (симфоний, сюит, опер), текстовые комментарии. Но проблематичным оказалось то, что «вторжение» фортепианно-симфонического звучания в более или менее целостный рисунок «электронной» музыкальной палитры не смогло стать выигрышным моментом в общей сетке вещания. Сложность восприятия была обусловлена и тем, что программа, ориентированная на определённый круг слушателей, не предвлялась соответствующими в музыкальном плане

¹ Расулова Т. Музыка и мировоззрение (эстетический аспект). Т.. 1990. С. 63.

песнями, джинглами или заставками. К тому же, сказывался недостаточно профессиональный уровень комментаторского текста.

Таким образом, прогрессирующее развитие негосударственного радиовещания в нашей стране и связанная с этим общая музыкально-просветительская волна вызвала к жизни новые попытки насыщения развлекательного, по большей части, радиозэфира элементами классики. Что в свою очередь потребовало органичного сочетания в эфирной сетке образцов столь полярных стилей как музыка «эстрадная» и «народная». Как справедливо было замечено одним известным музыковедом: «Серьёзная музыка никогда не старалась конкурировать с лёгкой, в том числе, с точки зрения её массовости, а пыталась найти свою, более углубленную область существования».¹ А так как любая радиостанция во время трансляции программы рассчитывает, как правило, на высокий процент охвата аудитории, то вполне объяснимы непрекращающиеся поиски возможностей использования национальной классической музыки в условиях коммерциализации эфира.

Говоря об освоении отечественным радиовещанием художественного опыта прошлых лет, стремлении сохранить национальную самобытность, необходимо особо сказать об активизировавшейся в последние годы тенденции обращения станций к исламскому духовно-просветительскому наследию. Стало доброй традицией звучание в месяц Рамазан сокровенных притчей Востока, хадисов, рассказов на морально-этические темы. К примеру, очень популярны рубрики «Аль-Хадис», «Хикоятлар хазинаси» («Сокровищница притчей»), «Донолар суйлайди» («Мудрые говорят») на радио «ORIAT DONO», «Хикмат» («Притча») на станции «Замин FM», «Мисралар» («Полустишия») в эфире радио «Навруз».

Особо следует отметить программу «Фонус» («Лампада») на канале «ORIAT DONO». Радиопрограмма «Фонус» представляет собой часовую авторскую программу с использованием оригинального текста и отрывков из сокровищницы узбекского литературного и фольклорного наследия. Чаще всего, в течение часа слушателю предоставлялась возможность услышать в качественном актерском исполнении произведения Алишера Навои, Ахмада Яссавий, Бабура, назидательные истории, поучительные легенды и высказывания известных исторических личностей. Читали их такие известные мастера слова, как Екуб Ахмедов, Афзал Рафиков, Санжар Саъдуллаев. Музыкальное сопровождение, соответственно, выбиралось для подобной программы с особой тщательностью. Автор использовал образцы национального фольклора, а также изустно-профессионального творчества, учитывая соразмерность музыкальных критериев с текстовыми. Так, в выпусках программы «Фонус» в качестве музыкального фона были задействованы отрывки из инструментальных частей макомов («Сегох», «Чули Ирок», «Баёт», «Тановор», «Кадимги Ушшок» и др.), причём упор делался на разнообразие и «фактор узнавания». Таким образом, слушатель,

¹ С.Лонимский С. Взгляд из предыдущего десятилетия. «Музыкальная Академия», 1992, № 3, 25.

заинтересованный текстовым материалом, параллельно впитывал и мелодико-гармонические обороты классических примеров национального музыкального искусства. В программе «Фонус» также широко практиковалось «живое» звучание народных инструментов – танбура, сато, уда. И это еще более оптимизировало процесс пропаганды «высокого искусства» среди слушательской аудитории. Компромиссы в плане сочетания в эфире столь непохожих видов музыки как эстрадная и классическая могут стать одним из важных моментов в воспитании общей музыкальной, и, следовательно, духовной культуры общества.

Сохранению национальной идентичности способствует и следование традициям прошлого, использование современными радиостанциями положительного опыта, накопленного отечественным радиовещанием. В качестве примера можно привести программы, в которых инструментальная музыка и песни исполняются «живьем», в студии, как это было в период зарождения радио в республике. Подобное исполнение придает песне или мелодии исконно узбекское звучание, так как не усиливается ревербераторами. Примечательно, что в данных программах «живое» исполнение сопровождается «живой», импровизированной беседой ведущего эфиром с исполнителем, что также близко и понятно нашему слушателю, воспитанному в восточных традициях неофициозного, «человечного» общения. К такому типу программ можно отнести «Самимий сухбат» («Разговор по душам») на радио «Хамрох», «Шаркона» («По-восточному») на «Замин FM» и другие. Особенно привлекательны в этом плане программы, в которых, наряду с фольклорной музыкой, исполняемой «вживую» и обогащенной «живой» беседой, излагаются рецепты национальных блюд. Так, в программах «Учок бошида» - «У очага» (радио «Навроз»), «Халфана» («ORIAT DONO») слушатели не только знакомятся с исполнителями узбекской классики, слушают «живые» композиции, но и узнают об особенностях приготовления самаркандского, хорезмского, бухарского плова, нарына, тандыр-кабоба и других национальных блюд. Ведущими вышеуказанных программ являются мужчины, что также обусловлено нашим менталитетом, блюда готовятся «вживую», что придает эфиру особенный колорит (шипение масла в котле, потрескивание дров в очаге, удары шумовкой), и, что немаловажно, обязательно присутствуют такие жанры национального фольклора, как «аския», «латифа», поговорки, пословицы.

Следует заметить, что узбекские пословицы, народные поговорки, крылатые выражения из некогда популярных отечественных фильмов и литературных произведений активно используются не только в речи ведущих эфиром, названиях передач, но и в промо-роликах, рекламных «гамаках», слоганах радиостанций.

В качестве примера приведем один из промо-роликов станции «ORIAT DONO», на создание которого сотрудников радио вдохновил известный роман Абдуллы Кадыри «Минувшие дни». Ролик стилизован под письмо Кумуш Отабеку:

«Бегим, как рассказывают приехавшие в Ташкент чабаны, по стране слава идет о радио «Орият Доно». И хотя звучание его еще не дошло до

Маргилана, среди людей искусства уже легенды слагаются о нем. Если будет угодно Аллаху, в ближайшее время думаю приехать в Ташкент и среди достойных слушателей наслаждаться его удивительными мелодиями... Күмуш»¹.

Завершая разговор об освоении радиоорганизациями Узбекистана художественного опыта прошлого, следует отметить, что значение современного радиовещания как важного фактора в общей картине эстетических, моральных, общечеловеческих норм неосцимемо и что будущее общей духовной культуры нации во многом будет определяться состоянием отечественного радиоэфира.

Файзулла САЛАЕВ
(ҚҚДУ, доцент)

Таржима ва шеърйй тизим

Шеър таржимаси барча даврларда ҳам долзарб муаммолардан бири бўлиб келган. ХҲП асрда француз таржимони Анн Лефебр-Дасье, таржима қилинган шоирлар ўз шоирлигини йўкотадилар, деган қарашга амал қилиб, Гомер, Плавт, Аристофан, Теренций каби сўз усталарининг шеърйй асарларини наср воситасида французчалаштирган².

Шундай таржималар ҳам бўлганки, уларда шеърйй система ва унинг тармоқлари – вазн кўринишлари ҳам аслиятдагидек сақланган. Олмон таржимони Ф.Рюккерт Саъдийнинг «Бўстон»ни аслият ўлчовида – арузнинг мутақорйби мусаммани максур ва махзуф вазнида ўз тилига ўгирган.

Туркий халқлар шеърйй ўлчовлари хилма хилдир. Ўзбек, озарбайжон мумтоз шеърйياتи аруз асосида яратилган бўлса, кирғиз, козоқ ва қорақалпоқ шеърйياتи бармоқ вазнидадир. Ушбу ҳолатда таржимон қандай йўл тутиши лозимлиги ҳақида йирик таржимашунос Ғ.Саломов қуйидагича ёзади: «Кўпгина таржимонлар, айниқса назарййчилар асл нусханинг **вазнини айнан сақлашни** талаб қиладилар... Илмий тил билан айтганда таржимада **эквиметрикавий** ақида дастур қилиб олинади. Бироқ амалда бу маънодаги тўла «вазнйй мувофиқлик»ка эришиш амри маҳол. Чунки вазн халқ тили, адабий тил, унинг тарихан таркиб топган миллий-эстетик анъаналари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда пайдо бўлган ходиса... Таржимада бу ҳол билан ҳисоблашмаслиқнинг иложи йўқ. Вазнни **айнан сақлашга** интилиш баъзан тилга «ўравонлик қилиш»га олиб келади»³.

Буни Алишер Навоий қаламига мансуб бир ғазалнинг икки таржимаси мисолида кўриш мумкин:

Аслият:

Ёрдин айру кўнгул мулкедурур султони йўқ,

¹ Перевод со звукового файла промо-ролика из серии «Утган қушлар».

² Қаранн Ғарбовский Н.К. Теория перевода. Изд.МГУ., 2004. С. 508.

³ Саломов Ғ. Таржима назарййиси асослари. Т.. «Ўқитувчи», 1983. 176-б.

Мулкким, султони йўқ, жисмедурурким жони йўқ.¹

И.Юсупов таржимаси:

Ярдан айрылган кеўил бир мулкдур султаны жок,
Султансыз қалган мулк, демек бир тандур ол жаны жоқ.²

Д.Айтмуратов ўғирмаси:

Ярдан айра түскен көңил патшалықдур султаны йок,

Патшалықдур султаны йок, тулғадур, лашдур жаны йок³. А.Навоий
қаламига мансуб мазкур ғазал матлаби аруз шеърини тизими рамал баҳрининг
мусаммани мақсур вазнида битилган:

Соддарок изоҳланса, матлаънинг вазн ўлчови $4+4+4+3=15$ кўринишига
эга. Байт қисқа, чўзиқ ҳамда ўта чўзиқ ҳижолар эътиборга олинган ҳолда,
руқнлараро кичик тўхтам қилиниб (бармоқ вазнида туруқлар орасидаги каби),
ифодали ўқилганда асар руҳига мос оҳанг, ритм юзага келади. Хўш,
таржимонлар ушбу оҳангдорликка яқин ритмика топа олишганми? Биринчи
таржимани назардан ўтказайлик. Биринчи таржимон $5+3+3+4=15$, иккинчи
таржимон эса, бўғинларни умумий сонига биттадан қўшиб, $4+4+4+4=16$
шаклидаги мисраларни яратган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, аруз шеърини тизимида ёзилган асарларни
иккинчи тилга, айниқса, бошқа шеърини тизим шаклига эга бўлган халқ тилига
ўғирши таржимондан ғоят катта масъулият, билим ва кўникма талаб қилади.
Юқоридаги кузатувларимиз шуни исботламоқдаки, гарчи арузий асарлар
оҳанги жозибасини таржимада тўлалигича тиклаш имконияти муайян даражада
чекланган бўлса ҳам, бармоқ вазни имкониятларини тўла ишга сола олган
таржимонлар муаллиф матни ритмикасига ҳамоҳанг шакллар ярата биладилар.

Қонысбай ЮСУПОВ
(ҚҚМУ, оқитыўшы)

Конфликт қаҳарманлар минез-қулқын ашыўдың негизи

XX әсирдеги қарақалпақ прозасының 90-жыллардағы раўажланў
жылларында социал жәмийетлик, руўхый әдеп-иқрамлылық конфликтлерди
кескин түрде хәм ашықтан-ашық сәўлелендириў, сол арқалы қаҳарманлардың
руўхый дүнъясына тереңирек кирип барыў және де күшейди. Буны биз
Ш.Сейтовтың «Жаман шығанақтағы Ақтуба» (1992) романының мысалында
айқын көремиз. Роман бұрынғы совет ҳүкметини ҳүкмиранлық еткен бир неше
он жыллықлардағы ашыы шынлықты, сол дәўирлердеги мәмлекет, партия
сиясатынан баслап хәр түрли турмыс тараўларындағы конфликтлерди
сүүретлеп бериўди қатыўына қарамастан, ол реализмнің, объективлигиниң
күшлилиги хәм сол принциплерди қаҳарман образларына тереңнен сіндири

¹ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 1-жилд. Т., 1987. 270-б.

² Юсупов И. Мәңги булақлар. Аудармалар. Нөкис. «Қарақалпақстан», 1985. 19-б.

³ Алишер Науаев. Сайландылары. Нөкис, «Қарақалпақстан», 1991. 19-б.

билиўдеги поэтикалық шеберлиги, өткірлиги менен баска дәретпелерден жүдә-жүдә айрықшаланып, дараланып турады.

«Жаман шығанақтағы Ақтуба»ның тийкарғы «объектив» сюжети хәм конфликтлери «Ақтуба» деп аталған аўылда (ямаса усы атамадағы қалада) болып өтеди. Биз оны турмыс пенен салыстырып ойлап қарасақ, жазыўшы сюжетке тийкар болған конфликтлердин орнын, негизги ис-хәрекетлер қарама-қарсылықларында өз өмиринде Нөкистин гөне қала аймағында болып өткен ўақыялар арқалы утымлы түрде, жүдә усталық пенен дәретиўшилиқ фантазия арқалы шебер жуўмақтастырып сәўлелендиргенине хайран қаласаң. Дәретпедө конфликтлер хәм қахарманлар образын сәўлелендириўдин батыллығы менен тереңлигин, ондағы көркем психологизмнің тереңлигин келтирип шығарған. Оны натурализм менен де, ямаса сентиментализм менен де алмастырып алжастырыў, шатастырыў мүмкин емес. Сөз шебери турмыста көбинесе өзи көзи көрген өрески, аса кеткен қарама-қарсылықлар менен конфликтлерди бүгинги дәўиримиздин, социал жәмийетлик турмыстың оғанда актуаль мәселелери менен жүдә тығыз байланыста сүўретлеў арқалы қахарманлардың психологиясындағы руўхый әдеп-икрамлық сыпатларды объектив, терең хәм исенимли түрде ашады. Көпшилиқ олардың биразына өзлери де тири гуўа болғанлықтан романдағы конфликтлердин кескин хәм батыл түрде ортаға қойылыўы дәл усы шығарма хәм оқыўшылар арасындағы психологиялық экспрессивликти де пайда өтеди. Бирақ соған қарамастан бурынғы социалистлик реализм әдебиятындағы конфликтлердин үстиртин «мәдениятластырып» сүўретлениўине үйренип қалған бираз сыншылар менен оқыўшылар бул шығармаға тийкарсыз сын айтты.¹ Дәретпе еле де оқыўшылар хәм әдебиятшылар арасында қарама-қарсылықлар пайда етип келмекте. Деген менен аталған шығарманы биротала жоққа шығарыўға қаратылған пикирлерге қосылыў қыйын. Ал ҳақыйқатында ондағы турмыс ҳақыйқатлығының батыл түрде сәўлелениўин мақуллап, дәретпедөги конфликтлердин тереңнен алынып, адамлар минез-қулқының анық хәм тарийхый шараптқа сай сүўретленгенин дурыс түсинип, жазыўшының социалистлик жәмийет қарама-қарсылықларын, оның ҳәр қыйлы, мың сан түрли кесепатларын гәзеп пенен әшқараланғанлығын айтыўымыз керек. Соның ушын да жоқарыдағыдай орынсыз сынға қарсы Ж.Есеновтың өз ўақтында дурыс көрсеткениндей: «...шығармада орайдан мәмлекет басқарыўдан жиберилген адам шыдамаслық надурыслықлар да, мәмлекет мүлкин тонаўшылық, паракорлық, зорлық-зомбылық етиў, жалатайлық та, менменлик, бассыныўшылық минез-қулықтың хәўиж алыўы да, ал еккинши, тәрөптен усылардың барлығына көнип ямаса оларды халықтың сезбөй садалық пенен ети өлип кеткенлик, аңқаўлықтың барлық белгилери де жасырын қалмастан, ашықтан-ашық сүўретлеген. Сондай-ақ, романда жәмийетте орын алған унамсыз қубылысларға қарсы турыўшы күшлердин бар екенлиги де көбинесе трагедиялық түрде реал ашылған».² Бизинше бул пикирлер романда социал жәмийетлик хәм әдеп-икрамлылық конфликтлерди

¹ Султанов Қ. Проза ма, яки басқа ма? // "Қарақалпақстан жаслары". 1993. 7-январь; Назылов А. Кимпири тири болғанда ма... Жазыўшы бир муш жер еди // "Еркин Қарақалпақстан". 1993. 21 август.

² Есенов Ж. Гәзеп пенен жазылған роман // "Еркин Қарақалпақстан". 1993. 20 февраль.

хәм қахарманлар психологиясын ашыўдың бағдарын әдил хәм дурыс белгилейди. Сонлықтан дөретпе мектеп сабаклықларына да өз ўақтында дурыс киргизилип хәм орынлы талланды деп ойлаймыз.

Шығармада Әмирхан, Жердаш, Айбөрек, Жеткерген, Таскылық, Темирхан, Бердаш, Гүлимбай сыяклы бир неше әдеп-икрамлық, социал-психологиялық жақтан бузық, менмен, зорлыққа кумар, жалатайшылық, шайтаншылық пенен дүнья, ақша арттырыўға куштар адамлардың ис-хәрекетлерин сүүретлеў көбирек орын алған. Ал бирақ Бийбираба, Сазтурған, Нурлөпес, Нәзигүл, Бердәмбет, Назарымбет, Нөкербай, Пәкен хәм тағы басқалардың психологиясы олардың базыларындағы ғәриплик, қойдай жуўас минезликтің басымлығы, садалық, аңқаўлық ямаса мәңгүрлик те, гейде қорқақлық, базада күн көрис тиришилиги ушын мәжбүрий бас иийўшилик жоқарыдағылар карама-қарсы келеди.

Ш.Сейтовтың бул романындағы конфликтлерди хәм қахарманлар психологиясын ашыўдағы ең бир шеберлик таманларының бири сонда, жазыўшы негизги сюжеттеги «объектив» конфликтлерди ашыў менен бирге қахарманлардың өз-ара сөйлесиўлерине де сюжетлик хәм конфликтлик ўазыйпа жүклейди, дәўирдің тарийхый карама-қарсылықларын, яғный шараят конфликтлерин адамлардың, айырым сезимтал оларға қарсы батыл гүресе алмаса дурыс сөйлеп, дурыс пикирлей алатуғын қахарманлардың өз аўзынан айтқызады. Демек, сюжет хәм конфликтлерди шығармада еки бағдарда: объектив хәм субъектив ҳалда сәўлелендиреди.

Дөретпедегі сүүретленген объектив сюжет хәм конфликтлердин орайында негизинен Әмирхан, Айбөрек, Жердашлардың унамсыз ис-хәрекетлеринен келип шыққан ўақыялар турады. Буған Гүлимбай Нағметович сыякылардың да ис-хәрекетлери келип қосылады.

«Мениң өзимниң педагогикам бар. Жигит кескир, пуллы, дүнья тапқыш, хәршеңки апаттан жол таўып қутылғыш, қыз-келиндерлерге қырғый болыўы керек-тамам! Жигиттен басқа нәрсе талап етилмейди».¹ «Әмирханның системасы» оның өз пикиринше «Бул ханлардан қалған система Қатынларды бир-бирине қараўыл етип қойыппан, булардың барлығы усы дүканның ийелери. Қатын емес булар-шайтанлар...Шайтанды жумсаў ушын шайтанға тәсил үйрететуғын шайтан болыўың керек».

Бул романда Әмирхан менен басқа қахарманлар арасындағы карама-қарсылық конфликтлер тап усы пикирлерден келип шығады. Сонлықтан да Әмирханның ойнасларының бири Айбөрек шайтанлық пенен Жеткерген деген пул-дүньялы жигит пенен танысқан соң сумлық пенен мал-дүнья топлаўды Әмирханнан да өткереди. Әсиресе Айбөрек бурынғы ойнасынан өш алыўға билек түрип кирисип Жердашты Жеткергенниң арақ дүканына қараўыл етип өткерий менен шекленбей, оны пулдың күши менен институт питкертеди. Соның ушын Әмирханның «қатын емес-булар-шайтанлар...» деген сөзлери дурыслыққа келеди. Ал оған қарсы Айбөректің мына сөзлери де бар: «Ким бирейди қорладым десе-өзин-өзи қорлаганы. Бирейге ислеген қорлығы адамның

¹ Сейтов Ш. Жаман ишын анақтағы Ақтуба. Нөкис: "Қарақалпақстан", 1992 7-бет.

басына келмей турмайды. Буны маған кемпир апам түсіндиретуғын еди. Билемен сениң намысың келетуғынын, билемен. Билсем қайтейин?! Журттан асқан билимиң жоқ, өз қақынды өзиң жулып жегендей шамаң жоқ, соның ушын хәзирше аяқасты болғанша қайылман, буны мен жениске ерисиүймиз ушын ислеп атырман. Нәкасты жеңиу ушын оның өзинен хәм бетер нәкасликке барып ийилиуге туура келетуғын жағдайлар болады» (63-бет).

Ҳақыйкатында да улыўма өмир шынлығында эсиресе социалистлик жәмийеттиң ыдырап кулау алдында инсанлар арасында усындай конфликтлердин, тап усындай ишки социаль психологиялық сыпатларға ийе адамлардың болғаны анық.

Зияда ҚОЖИҚБАЕВА
(ҚҚДУ, ўқитувчи)

Фуқаролар ҳуқуқини ҳимоялашда матбуотнинг роли (Ўзбекистон, Қорақалпоғистон мисолида)

Фуқаролар ҳуқуқини ҳимоялашга матбуотнинг қонундек ваколати йўқ. Лекин мамлакатдаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг назаридан четда қолган ёки фуқароларнинг таҳририятга мурожаатларини ўрганиб чиқиб, ҳақиқатдан ҳам ҳуқуқбузарлик ҳолатлари юз бераётганликлари журналистик текширувда аниқланса, буларни ошқора ва аниқ ёзиш матбуот ходимларининг вазифаси ҳисобланади. Шу билан «тўртинчи ҳокимият» қолган учта ҳокимиятга жамият ривожига раҳна солувчи оғрикли нукталарни кўрсатиб, давлат ва фуқаролар ҳуқуқини ҳимоялаган ҳолда, юргимизда қонун устуворлигини таъминлашда матбуот ўз вазифаларини бажарган ҳисобланади.

Ўзбекистон истиқлолнинг дастлабки кунларидан демократик, фуқаролик жамияти, дунёвий давлат барпо этишни мақсад қилиб қўйди. Жаҳондаги барча халқлар билан тенг ва манфаатли ҳамкорликка киришди. Бутун унинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бормокда. Бунда ўзбек ва қорақалпоқ миллий матбуотининг, қолаверса мамлакатимизда аккредитация қилинган айрим хориж ОАВ вакилларининг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор.

Мустақилликнинг дастлабки ўн йилида матбуотимиз эришган ютуқлар қаторида журналистлик ҳамда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилганини таъкидлаш жоиз. Жумладан, «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида» ва «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинликлари тўғрисида»ги Қонунлар шулар сирасига киради.

Сўз ва матбуот эркинлигини инсон ҳуқуқларининг таркибий қисми бўлиб, унинг даражаси жамиятда нечоғлик эканини кўзгу каби ўзида тиник акс эттириши барчага маълум. Ана шу боис бутун дунё халқлари сўз ва матбуот эркинлигини ғоят кадрлайди.

Оммавий ахборот воситаларида ҳамма нарсa худди кўзгудагидек халқнинг кўз ўнгида туради, ошқоралик, рўйи-ростлик, ҳозиржавоблик унинг нуфузини белгилайдиган асосий омиллар ҳисобланади. Фуқаролар матбуотга ўзларининг калб дардларини, қувонч ва ташвишларини баён этиш, фикр ва

мулохазаларини бемалол билдириш, у ёки бу саволларга жавоб олиш учун мурожаат этишади. Матбуот саҳифаларида босилаётган мақолаларда жамиятнинг демократик тамойиллари, жумладан инсоннинг виждон эркинлиги, фикр мустақиллиги, сўз эркинлиги каби ҳуқуқ ва бурчлари кўпроқ намоён бўлади.

Фуқаролар мурожаатларининг матбуотда ёритилиши сўз ва матбуот эркинлигининг ўзига хос кўринишидир. Бизнингча, фуқаролик жамиятида оммавий ахборот воситалари, хусусан, матбуотда фуқароларнинг ҳар бир мурожаати ўзининг ечимини топтоғи лозим. Зеро, ижтимоий фикр матбуот орқали ана шу муҳим омил асосида шаклланади.¹

Матбуот доимо халқ билан ҳамнафас, таъбир жоиз бўлса, жамиятга ва давлат ўртасидаги ўзига хос кўприқдир. Албатта, фуқаролик жамиятини барпо этишда бу «кўприқ»дан фойдаланишда маълум қонунлар ёки бошқа меъёрий ҳужжатларга таянилади. Бунда инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият берилади.

Шу ўринда биз 2002 йил 13-декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг мурожаатларлари тўғрисида»ги қонунинг янги таҳрирда оммавий ахборот воситалари, чунончи, матбуотга тааллуқли жиҳатига эътибор қаратишни лозим топдик. Зеро, мамлакатимиздаги таҳририятларнинг «Газетхонлар билан аълоқалар» бўлими (айрим таҳририятларда бошқача номланиши мумкин) оммавий ахборот воситаларига тааллуқли қонунлар билан бир қаторда айнан шу қонун асосида фаолият юритмоқда. Бунда иш юритиш мурожаатнинг ёзма шакли – хат асосида амалга оширилишини унутмаслик лозим. Таҳририятга келган хатларни 2 гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчиси, журналистика ва адабий жанрларга тааллуқли ижод турлари, иккинчиси эса фуқаролар мурожаатлари, яъни ариза, таклиф ва шикоят кўринишини ташкил этади.

Газетада фуқароларнинг мурожаатлари ёки бошқа ижод маҳсули остида «Таҳририятдан» дея изоҳ билдирилмаса, бундай ҳолатда таҳририят шу масала ёки таклифни қўллаб-қувватлаши англанади. Агар бундай изоҳ берилмаса, таҳририятнинг ўша таклиф ёки масалага нисбатан ўз қарши позицияси борлигидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунинг 26-моддасига мувофиқ, «Таҳририят қонуний асосларда рад этган материални оммавий ахборот воситасида мажбуран эълон қилдиришга ҳеч қимнинг ҳаққи йўқ». Фуқаролик жамиятида фикрлар хилма-хиллиги (плюрализм)нинг шаклланиши ва ривожланишини инобатга олсак, ҳоҳ давлат, ҳоҳ нодавлат ташкилотига тааллуқлигидан қатъи назар матбуотнинг барча масалаларда ўз позицияси бўлиши табиий. Бунда матбуотнинг ўрни турли оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларни чоп этиш билан эмас, балки фуқаролар мурожаатлари – хатлар ва улар асосида ўтказилган журналист текшируви билан ҳам баҳоланади.

¹ «Ўзбекистон матбуоти» 2003. №3. 9-бет.

Шарҳловчига қўйилган талаблар

Ҳозирги даврда телепублицистика жанрлари ҳақида кўплаб адабиётлар ёзилмоқда ва илмий изланишлар олиб борилмоқда. Чунки публицистика жанрлари тележурналистлар ижодида ўзига хос усулларда намоён бўлиб бормоқда. Унинг янги кирраларини ўрганиш эса биз мутахассисларга янги вазифалар юклайди. Ҳар қандай ижодий фаолият воситалари, усуллар ва тасвирлаш қолиплари жиҳатидан кўп кирралидир. Айнан бир ҳаётий воқеа, факт уларнинг моҳиятига ҳар хил даражада ёндошилиб акс эттирилиши ва кўрсатилиши мумкин. Кўпқирралик жанрлар тизимида ўзлигини топиб “предметлаштирилади”. Барча жанрлар бўйича стукликка эришиш - турли журналистик масалаларни ҳал этиш гаровидир. Публицистик жанрлар тизими мавжудлиги ҳақиқий дунёни объектив акс эттириш билан бирга, журналистика олдида турган сиёсий, маънавий ва идрок этиш масалалари хилма-хиллигини амалга оширади.

Жанрнинг назарий асосларини аниқлаш учун унинг белгиларини, жумладан, журналистик назарияга “жанр” тушунчасини берган санъатшунослик ва адабиётшуносликдан кидириш керак. Жанр деганда барқарор белгиларга эга, ҳаққонийликни акс эттирувчи тарихан аниқ ибораларни тушунишга келишиб олишимиз керак.

Жанрлар бўлиниши асосига аввал айтилгандек фақат типлаш меъёригина қўйилган эмас. Шунингдек, бу ерда атрофдаги ҳақиқий ҳолат, у ёки бу кўрсатувлар вазифасининг ўзига хослиги, қисмлари, тематика хусусиятлари, телеасарнинг яратилишидаги шарт-шароитлар ҳисобга олинади.

Шундай қилиб, телевидение маҳсулотини қатор рамзий белгилар бўйича классификациялаш мумкин. Бу телевизион журналистиканинг назарий муаммоларини тушуниб етишда, телевидение журналистининг амалий фаолиятидаги муҳим жанрлар миқдорини аниқлашга имкон яратади. Жанрлар назариясининг ўзи, кўпқиррали ва мураккаблиги билан ажралиб турган ҳолда, жонли ва ўзгарувчан амалиёт билан бирга ўз кўринишини ўзгартириб, доимий ривожланиш жараёнида бўлади.

Тикланиш ва ривожланиш, янгиликнинг пайдо бўлиши ва эски жанрларнинг йўқолиб бориши – тарихий-ижодий жараёндир. Бизнинг телевидение амалиёти қотиб қолган жанрлар схемасининг яроксизлигини ишончли исботлайди. Кўз ўнгимизда нафакат радио ва газеталарга, ҳаттоки ўтган йиллар телевидениесига ҳам хос бўлмаган янги қолиплар яратилмоқда.

Жанрлар қўшилиши бутун публицистикага хос. Лекин бу жараён айниқса телевизион публицистикада, телевизион журналистиканинг янгилиги учунгина эмас, балки улкан бойлиги – овоз билан бериладиган тасвир тили борлиги учун яққол кўринади. Жанрлар сарҳадлари ва уларнинг йўқолиши мураккаб ҳаётий муносабатларни, замонамизнинг драматик тўқнашувларини аниқроқ ифода этиб беради.

Телевиденида кўрсатув нечоғлик мураккаб бўлмасин барибир унинг асосини баркарор жанр қолиплари ташкил этади. Информацион публицистика жанрларига интервью, телевизион чиқишлар ва фикр билдириш (“сюжет”), матбуот-конференцияси, брифинг, хисобот, репортажларни; таҳлилий публицистикага суҳбат, шарҳ, корреспондентияларни, талкин, тафсилот, мақола, тақриз; бадиий-публицистика жанрларига – очерк, лавҳа, эссе, фельетон, памфлетларни киритиш мумкин. Ҳар бир жанр бўйича ўқув қўлланма ва дарсликларда алоҳида тавсиф берилгани боис биз телепублицистиканинг таҳлилий жанрига кирувчи шарҳнинг Ўзбекистон телевидениесига тутган ўрни ҳақида фикр юритамиз.

Мустикалликдан кейинги йилларда республикаимиз телевидениесига ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзгаришлар рўй берди. Агар телеканалларни яхшилаб кузатадиган бўлсак, унда ранг-баранг жанрлардан фойдаланган кўрсатувларни кўрамиз. Телетомошабинлар эҳтиёжи ҳам замонга қараб ўзгариб боради. Бугунги кунда узундан-узоқ, монолог тарзидаги кўрсатувлар ўрнини тезкор, қисқа, аниқ ва сермазмун кўринишдаги чиқишлар эгалламоқда. Ана шундай жанрлардан бири шарҳ бўлиб, бу сўзнинг луғавий маъноси, келиб чиқиши ҳақида бир оз тўхталиб ўтамиз.

“Шарҳ” арабча сўздан олинган бўлиб, “изохлаш”, “тушунтириш” маъноларини билдиради. Фикримизни аниқроқ ифодаласак, бу азалдан қадимий китобларга изоҳ бериш, уни оддий халққа тушунарлироқ қилиб шарҳлаш асосига келиб чиққан ҳаракат. Оддий китобхон учун бундай шарҳлар жуда қўл келган. Оммавий ахборот воситалари тизимида эса шарҳ ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий воқеа, ҳодисаларнинг, ҳужжат ва бошқа матнларнинг моҳияти ва аҳамиятини оммага тезкорлик билан тушунтириб, баён қилиб бериш вазифасини бажаради. Унинг асосий мақсади - фактларни тўғри ва мохирона танланган ва таққосланган ҳолда томошабинлар онига аниқ етказиш ва билимини шакллантириш. Шарҳда фактларни таҳлил қилиш, таққослаш, фикрни далиллаш, умумлаштириш ва хулоса ясаш каби турли усуллардан кенг фойдаланилади. Берилиш тартиби ва баён қилиш услугига кўра шарҳ радио, телевидение, матбуот ва интернет сайтлари учун алоҳида мўлжалланган бўлади. Матбуотда сўзга, радиода овозга ва маънога ҳам эътибор берилса, телевиденида бундай имкониятларга тасвир ҳам қўшилади. Тасвир ва сўз мутаносиблиги эса жуда муҳим.

Шарҳларнинг ҳар хил тури мавжуд: сиёсий шарҳлар, маданий-ижтимоий, спорт билан боғлиқ кўринишлари ва бошқалар. Шарҳда долзарблик катта аҳамият касб этади. Бугунги кун муаммолари телешарҳнинг ҳамиша диққат марказида бўлади. Телевизион таҳлилий публицистик жанрлардан бири бўлган шарҳ эса ҳозирги ҳаётимизда жуда муҳим аҳамият касб этади. Унинг тезкорлик хусусияти ҳам мавжуд бўлиб, албатта, кечикиб берилган шарҳнинг қиймати камлигини биз яхши биламиз. Воқеалар қанча тез шарҳланса, аудиторияни шунчалик забт эта олади. Ҳар кунги кўпгина воқеа-ҳодисалар содир бўлади. Уларни ҳеч қандай воситаларсиз, шарҳларсиз ҳам кўрсатиш мумкин. Лекин томошабинларнинг ҳаммаси ҳам бунга тўғри тушунмайди. Ана шу ерда шарҳловчининг маҳорати иш беради.

Бу ерда, воқеа-ҳодисалар кадр ортидан шарҳланаётган бўлса ҳам, асосий фигура журналист, шарҳловчи ҳисобланади. Гарчи воқеа-ҳодисалар экран мониторида бир-бир ўтиб, томошабин уни ўз кўзи билан кўриб, қулоғи билан эшитиб турса ҳам, асосий воқеликни шарҳ орқали яхшироқ тушунади. Шу ўринда, айтиш керак, шарҳловчи воқеа-ҳодисаларни оммага тушунтириб беришда жуда катта роль ўйнайди.

Шарҳловчи сўзининг айнан қоидаси энциклопедияда шундай келтирилади: "Шарҳловчи - бирор нарсани, воқеа-ҳодисани тушунтириб берувчи; изох берувчи, шарҳчи, газета-журнал, радио, телевидение ва интернет сайтларида муайян воқеалар (ижтимоий, сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, маданий, спорт)га бағишланган шарҳлар муаллифи". Шарҳловчи – алоҳида кишилар билан телесўрсатувда бирор бир нарса ҳақида суҳбат қилувчи мутахассис ҳисобланади, у ўз шахсий муҳокамаси билан видеофрагментлар мазмунини очиш ва меҳмон билан студияда суҳбат қилувчи мутахассис ҳисобланади. Одатдагидек, у бой ҳаётий тажрибага эга саёхатчи, ёки бутун ер шарини айланиб чиққан учувчи, хизмат кўрсатган шифокор ёки ўз соҳасининг таникли кишии бўлиши мумкин. Албатта, улар ўз иш фаолияти ва ҳаёти ҳақида чиройли гапира оладиган ҳақиқий зиёли киши бўлиши зарур. Яна «камерани сеза билиш» - кўринмайдиган аудитория билан алоқа қилишни уддалаш қобилияти даркор, «таникли бўлишга қобилият» – мураккаб нарса тўғрисида гапира билиш маҳорати керак. Телевидение бу ролга кўпроқ етакчи газеталарнинг публицистларини таклиф қилишади. Бу шундай ҳолки, телевизион «ошхона» билими олдида, фикрлаш маҳоратига юқорироқ баҳо берилади.

Шарҳловчи – тафсилотчилардан фарқланади, чунки у, биринчидан, мураккаб «журнали» кўрсатувининг муаллифлигини ўнглаб олиши ёки студияда мулоқот олиб бора олиши керак; иккинчидан, шарҳловчи сиёсий мулоҳазада сиёсий тафсилотчидан баландроқ туриши зарур. У, тўғрироғи, энциклопедист, аммо тарғиботчи ёки ташвиқотчи эмас. Лекин тафсилотчи ёки шарҳловчилик ишларида ҳам умум ўхшашликлар борки, улар ҳар иккиси ҳам экранда маълум мавзуда муҳокама ва қарашлари билан чиқадилар. Улар шахси томошабин учун ҳам қизиқ, ҳам таниш. Иккалалари ҳам етук ёшда, етарлича ҳаётий тажриба ва ҳулосалашга асоси бор, таққослашни билган зиёлилар. Яна улар иккалалари ҳам ёрқин сўз устаси ва публицистик монологларни санъаткордек ижро этиш маҳоратига эга бўлган кишилардир.

Журналистнинг муҳим вазифалари сирасига шарҳлаш ҳам киради. У ОАВда жамиятнинг умумий фикри кўзгуси сифатида ёки мутлақо мустақил ташкилотларнинг манфаатлари ифодачиси бўлиб мамлакатда ва жаҳонда юз бераётган воқеаларни шарҳлаб бориши зарур.

Шарҳловчи бирор воқеа ёки хабарни шарҳлар экан, турли ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликни, буларнинг замирида нималар борлигини очиб беради. Лекин шарҳлаш дегани – журналистнинг фақат ўз шахсий фикрини билдириш дегани эмас, балки бу воқеа нима учун руй берганини тушунтиришга интилишдир. Агар спорт шарҳловчисининг масъулияти ва маҳорати ҳақида сўз юритадиган бўлсак, аввало, республикамизда бугунги

кунда спорт шу даражада ривожландики, бу соҳанинг ҳар бир кўриниши учун алоҳида шарҳловчи талаб этилмоқда. “Спорт” каналида ҳам, бошқа каналларда ҳам спорт шарҳловчилари жуда кўп чиқишмоқда, спорт эса муҳим мавзуга айланмоқда. Лекин спорт шарҳловчиси билан спорт тафсилотчисининг фарқиға мутахассислар унчалик эътибор беришмайди. Спорт мусобақаси бўлаётган жойдан кўрсатувни олиб бораётган кишини кўпинча шарҳловчи деб таништиришади. Лекин у шарҳловчи эмас. Рус тилида уларни комментатор дейишади, ўзбекчасига эса тафсилотчи ёки изоҳловчи бўлади. Шунинг учун ҳам спорт тафсилотчиларини шарҳловчи деб талкин қилиш нотўғри.

Спорт соҳасида, назаримизда, шарҳловчилар етарли. Ҳар қалай улар анчагина. Лекин бошқа мавзуларда - иктисодий, сиёсий соҳаларда фақат бир-иккита таниқли журналистни олмаганда, шарҳловчилар, чуқур таҳлил қилувчилар жуда кам. Бир пайтлар (албатта, мустақилликдан кейинги йиллар) Қобилбек Каримбековнинг “Ҳарита” деган кўрсатувни бўларди. Томошабинлар бу кўрсатувни мунтазам кўриб борар эди. Шарҳловчи унда дунёда бўлаётган сиёсий воқеаларни таҳлил қилиб, шарҳлаб берарди. Ҳозир бундай кўрсатувлар йўқ демоқчи эмасмиз. “Таҳлилнома”, “Давр ҳафта ичида” каби кўрсатувларни мисол келтиришимиз мумкин. Лекин булар, ҳозирги ахборот асри талабларидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, жуда кам.

Дарҳақиқат, давр бугунги телевидениедан тезкорликни талаб қилади. Агар журналист замоннинг долзарб муаммоларини зудлик билан томошабинга етказиб бера олмаса, табиийки, у ҳаётдан орқада қолган бўлади. Янгиликларни қуруқ етказмасдан, уни атрофлича ўрганиб, таҳлил эта билиш шарҳловчининг вазифасидир. Сиёсий шарҳловчи, аввало, сиёсатнинг мағзига етсин. Шунингдек, журналист жавобгарликни ўз зиммасига ола билиши керак. Танқид қилишга ким ҳақли? Албатта, ўз соҳасини яхши ўрганган, билимли, юраги бор шижоатли журналист. Ҳақиқатпарвар журналист курашчан бўлади. Шарҳловчининг телевидениеда тутган ўрни ҳам мана шу ерда кўзга ташланади.

Унинг «менинг фикримча» деб тарафкашлик қилишга ҳаққи йўқ. У воқеани борица айтиши лозим. Айниқса, кадр ортидан шарҳлайдиганларнинг иши қийин ва маъсулиятли. Шарҳловчи ўз мавзуси билан, матн билан яхшигина таниш бўлиши билан бирга, доим сергак туриши керак. У мавжуд воқеликни ҳаяжон-эмоцияга берилиб шарҳласа, томошабин ҳам ундан баттар ҳаяжонланади. У ҳар бир дақиқага мос келадиган сўзни топа олиши, эсда қоладиган, ёрқин иборалар, образлардан фойдаланиб жумла тузиши шарт.

Телевидениеда шарҳларнинг ўзига хос хусусиятларини гапирадиган бўлсак, «Газеталар шарҳи» кўрсатувини ҳам тилга олиш жоиз. 1996 йил март ойдан бошлаб Ўзбекистон телевидениеси республикамызда чоп этилаётган газеталарнинг 10 дақиқалик шарҳини бера бошлади. Бундай шарҳнинг пайдо бўлиши сабабларидан бири, газета ададиниң қамайиб кетгани, одамларнинг газета ўқимай қўйгани ва телевидение аҳоли учун ахборотнинг асосий манбаи бўлиб қолганлигидир. Шу сабабли эрталаб газеталарнинг кундалик шарҳи берилма бошланди. Ўша пайтдаги шарҳлар анъанавий тарзда яъни мақолаларга шахсий муносабат билдириш усулида бериларди. Аммо, кейинча шарҳларнинг мазмунини ўзгартирила бошланди. Газеталар, мақолалар ва муаллифларга

нисбатан бошловчининг шахсий фикрлари камая борди, одамлар мақолаларнинг номини эмас, улар ҳақида шарҳловчи томонидан айтиладиган тайёр баҳони қабул қилишга одатлангани учун, ҳатто айрим томошабинлар «шу ҳам шарҳ бўлдими?» деб айтишарди. Мана шундай шароитда ижтимоий онг ривожланмай қолади. Нима яхши, нима ёмон эканлигини шарҳловчи эмас, одамларнинг ўзи фикрлаб билишлари лозим. «Газеталар шарҳи» тўғри йўлни танлаган эди, аммо бу кўрсатув ҳам узокқа чўзилмади.

Замонавий телевидениеда бир савол жуда ўринли - шарҳловчи ихтисослашиши шартми? Албатта, бугунги кунда бошқа соҳада бўлгани каби журналистларнинг ихтисослашуви масаласи муҳим бўлиб турибди. Шарҳловчи чуқур билим, кенг мушоҳада ва ўз фикрига эга булган ижодкордир. Аммо айрим шарҳловчилар воқеа-ҳодисаларни турли ахборот манбаларидан олиб, фақат изоҳлаб беришади, ҳолос.

Мамлакатимиз дунёвий жараёнларга фаол қўшилиб бораётган ва мустақилликнинг тамал тоши мустаҳкамланаётган ҳозирги пайтда ҳар бир кун, ҳар бир соат янги-янги ва бир-биридан долзарб вазифаларни қўндаланг қўймоқда. Бугунги юз берган воқеага ҳар бир ОАВ ўз шарҳловчиси орқали муносабат билдириши ва бу муносабат кенг оммага етиб бориши ҳаётий заруриятга айланиб борди.

Ҳамро АБДУЛЛАЕВ
(ҚҚДУ, доцент)

Тасвир руҳияти ва характер поэтикаси уйғунлиги

Ёзувчи Х.Дўстмуҳаммад «Бозор» романида давр кишилари руҳиятида ҳукмрон ахлокий қусурларни типиклаштиради ҳамда «гоҳ модернизм унсурларидан, гоҳ реалистик тасвир принципларидан, гоҳ романтик бўёқлардан фойдаланган тарзда»¹ Фозилбек характерининг индивидуал кирраларини умумлаштиради. Кишилиқ жамиятининг ижтимоий тафаккури шиддат билан ўсаётган ҳозирги даврда «замонавий қаҳрамон» образини яратиш ҳар бир романнавис олдидаги бош вазифадир.

Адабиётда эса «Бадий характер – бу индивидуал белгиларни ҳам ўз ичига олган ҳолда маълум бир ижтимоий шароитда пайдо бўлган, ижтимоий маъно касб қилган ирода йўналишининг асардаги бадий иродасидан иборатдир. Фақат ижтимоий шароит асосида юзага чиққан шахс иродаси характернинг асарда бадий ва ғоявий негизини таъмин этади»². Олим М.Қўшжонов тўғри таъкидлаганидек, «Бозор» романидаги Фозилбек образи ҳам бугунги ижтимоий бозор шароити туфайли зарурат сифатида юзага келган бадий асардаги маънавий, фалсафий талкиндир.

Ёзувчи романда давр муаммолари ва давр қаҳрамони характерини яратар экан, бу жараёнда турмушнинг оддий икир-чикирларига эмас, кўпроқ

¹ Санжар Содик. Ҳаққонийлик кучи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2008. 8 декабрь.

² Умутов Х. Бадий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги. Т.. 1983. 32 бет.

келажакка дахлдор бўлган воқеа-ҳодисаларга эътибор беради. Шу боисдан ҳам Х.Дўстмуҳаммад яратган қаҳрамонлар ўртасидаги диалоглар шунчалик оддий сўзлашувчилар эмас. Балки характернинг турли хил кифоаларини психологик йўналишда очишга ёрдам берувчи полифоник воситадир. «Бозор» романида диалогларни қўллашнинг (анъанавий услубда ёзилган романларга нисбатан) ўзига хос хусусияти шундаки, қаҳрамонларнинг ўзаро диалогларини кузатар эканмиз, сиз ҳам улар билан бирга муайян муаммо юзасидан баҳс-мунозарарага киришасиз.

Қалбингизда бедорлик уйғотиб, давр муаммолари устида фикрлашга чорлайди. Фақат бугина эмас, китобхонни мантиқан фикрлашга тортиб, давр кифоасини ва қаҳрамони руҳиятини қалбан, ақлан кашф этишга ундайди.

Романда кўзга ташланувчи аниқ хусусият шундаки, ёзувчи реал заминда туриб сюжет ривожини давомида онгли равишда асар ғоясини янада бўрттириш мақсадида романтик бўёқлардан ва модернистик тасвирдан маҳорат билан фойдаланади. Асар экспозицияси ҳам ўзига хос «Дунё боши гулзор, одоши мазор, гулзору мазорнинг ораси бозор» эпиграфи ва «Бозор» тимсоли тасвири билан бошланади. Замонамиз кишилари ва «Бозор» кифоасини очишда бош қаҳрамон Фозилбек билан Қосимбек, Диёрбек, Қадрия, Бахтиш, Вон Суу, Ғулломжон, Эгам Боболар ўртасидаги диалоглардан мохирона фойдаланган.

Х.Дўстмуҳаммад ҳоҳ реал шахслар образини яратсин, ҳоҳ тимсол, рамзий образларини яратсин мунозараларда муаллиф нутқи руҳий ҳолатларни ойдинлаштирувчи вазифасини бажаради. Нафакат руҳий ҳолатларни балки қаҳрамоннинг маънавий «инсон сифатидаги моҳиятини ҳам очишга ёрдам бериши керак». Фозилбек ва Диёрбек ўртасидаги диалогни олайлик: - «Отамизнинг сенга меҳри бўлакча» - деди ақаси қўққисдан. Фозилбек бундай гапни кутмагани, шунинг учун бўлса керак, бу гапнинг замиридаги ниятни илғай олмади. Ақасининг ўйловлари бошқа бир дард билан боғлиқлиги унинг кейинги гапида аён бўлди қўйди.

Бозорбошликни сенга топширсалар, бу ёқда тишини кайраб турган қашкирлар унча-бунча одамни...

Диёрбекнинг кўзлари ўйнаб кетди, унинг назарида шу дақиқада бозорнинг кимнинг ихтиёрига ўтиши ҳал бўладигандек, уқасини кўндирса бас, бахт қуши ўзининг қўлига келиб қўнадигандек эди. («Бозор». 142-бет).

Ақа ва уқа ўртасидаги бу «икки сюжет»ли диалог икки вазифани бажаради. Биринчидан: Диёрбекнинг маънавий кифоасини очиш учун уни муайян муҳитга солиб, бирор фаолияти тасвири орқали «ким»лигини намоён қилиб ўтирмайди. Аксинча баёнчиликдан сакланади. Романнинг сюжет йўналишини анъанавий услубда ёзилган асарлардагидек воқеалар эмас, балки образларнинг фикр мулоҳазалари, дунёқараши, онги ташкил этади.

Ахборот манбаларини яратиш ва улардан самарали фойдаланиш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 сентябрдаги "Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 203-қарори ижросини таъминлаш ҳар бир ташкилот матбуот (ахборот) хизмати зиммасига улкан масъулият юклайди. Матбуот хизматининг биринчи вазифаси – тегишли ташкилотнинг жамоатчилик билан алоқаларини мунтазам таъминлаб боришидир.

Жамоатчилик билан алоқаларни йўлга қўйишнинг иккита муҳим шарти бор. Биринчиси, ташкилот фаолиятига оид ахборотларни доимий равишда жамоатчиликка етказиш бўлса, иккинчиси, жамоатчилик фикрини муттасил ўрганиб бориш.

Биринчи вазифани амалга оширишда ОАВ билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутади. Ҳар қандай ахборотни оммага ОАВ тезкорлик ва ҳозиржавоблик билан етказиб беради. Бу жараёнда матбуот хизмати узлуксиз равишда зарур ахборот манбаларини яратиб бориши зарур. Иккинчи вазифани амалга оширишда ҳам матбуотнинг ўрни бекиёс.

Биринчи вазифани тўла-тўқис бажариш, яъни, зарур ахборот манбаларини яратиш ҳақида. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган турли ташкилотларнинг матбуот хизматлари асосан ахборот манбаларини яратиш, яъни, тегишли ташкилоти фаолиятига оид муҳим маълумотлар, янгиликларни ёритиб бориш билан ҳам шугулланмоқда. Улар бу вазифани амалга оширишда замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланишмоқда. Яъни, интернетдаги веб-сайтлари орқали кундалик ахборотларини ёритиб бориш ўз-ўзидан ахборот манбаини вужудга келтиришга хизмат қилади.

Қайсики ОАВ ходими бирор ташкилотдан ахборот олишни истаса, аввало унинг тегишли веб-сайтини кузатиши мумкин. Бугунги кунда қатор давлат, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмаларининг интернетдаги веб-сайтлари кузатилса, зарур ахборотларни топиш мумкин. Бу эса давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқалари тобора ривожланиб боришга хизмат қилади.

Бироқ, ахборот манбаларини яратиш, пировардида, ахборот тарқатиш борасидаги бу илғор усулдан ҳали-ханузгача қўлаб ташкилотларнинг матбуот хизматлари етарли даражада фойдалана олмайtgанидан ҳам кўз юма олмаймиз. Буни уларнинг хўжаkўрсинга "очиб қўйилган" веб-сайтларининг деярли бўм-бўш ёки ғарибгина саҳифаларидан ҳам кўриш мумкин. Бу ўринда гап – кимгадир маломат килиш эмас, балки, бу борадаги илғор усулларни ўз вақтида самарали фойдаланиш, ОАВни зарур ахборотлар билан муттасил таъминлаш ҳақида бормоқда.

Матбуот хизматларининг ана шу фаолиятига журналистлар қандай муносабат билдиришмоқда? Республика газеталарининг сўнгги беш йил мобайнидаги таҳламлирини, айрим тўпламларни кўздан кечиран эканмиз, ушбу мавзудаги тақлифлар, танкидий фикрлар эътиборимизни тортди. “Хуррият” газетасининг 2004 йил 25 февраль сониде ёритилган Динора Дўлтаеванинг “Матбуот котиби: мансабми ё масъулият” сарлавҳали мақоласида шундай фикрлар баён этилган: “Мутахассислар ҳисоб-китобларига кўра, Америка матбуотида чоп этиладиган материалларнинг 80 фоизи (!) пиар маҳсулоти – яъни, матбуот хизматлари тарқатган ахборотдан иборат экан. Энг катта жанжаллар чиққан пайтда ҳам биринчи бўлиб тегишли идора раҳбари ёки матбуот котиби журналистлар олдига чиқиб, расмий баёнот беради. Бизда эса матбуот котиблари керакли ахборотни ҳамма ОАВга етказиш у ёқда турсин...”

Ёш журналист фикрлари кимларгадир таънали туюлар. Бироқ, унинг мақсади – қатор вазирлик ва ташкилотлар матбуот хизматлари фаолиятини яхшилашга қаратилгани сезилиб турибди.

Журналист Тошпўлат Раҳматуллаев “Америка журналист нигоҳида” деган китобида АҚШ Давлат департаменти матбуот хизмати томонидан ҳар куни ўтказиладиган брифинг ҳақида шундай ёзган: “Эргалаб соат 4.45 да матбуот хизмати ходимлари газета, телевидение материалларини таҳлил қилишга киришади. Интернетдан газеталар чиқиши кўздан кечирилади. Ана шундай таҳлил асосида шу куннинг энг долзарб муаммолари аниқланади ва брифингда журналистлар томонидан берилиши мумкин бўлган саволлар рўйхати тузилади. Ушбу материалларни олгач, матбуот котиби Пентагон, ҳарбий разведка, Марказий разведка бошқармасига мурожаат этиб, айти пайтда нималар ҳақида очиқ гапириш мумкину нималар ҳақида мумкин эмаслигини маслаҳатлашиб олади. Яъни давлат ва ҳарбий сирларга кириши мумкин бўлган маълумотлар аниқланади”.

Д. Дўлтаева ўз мақоласида матбуот хизмати ходимларидан зарур ахборотни олиш муаммога айлангани ҳақида қуюнчақлик билан ёзса, таникли журналистнинг китобида АҚШ Давлат департаменти матбуот хизмати томонидан ҳар куни брифинг ўтказилиши ҳақида ҳикоя қилинган. Демак, қатор матбуот хизматлари фаолиятини янада такомиллаштириш учун АҚШ каби тараққиёт чўққиларини забт этаётган давлатларнинг матбуот хизматлари тажрибасини атрофлича ўрганиб, илғор тажрибалардан андоза олишимиз фойдадан холи бўлмайди.

АҚШлик мутахассис Маргерит Хокси Салливан хоним 2003 йили юртимизга ташриф буюриб, матбуот хизматлари ходимлари билан суҳбат ўтказган эди. Сўнг, улардан бир гуруҳини Америка Қўшма Штатларига тақлиф қилди. Улар қаторида АҚШга бориб келган журналист Улуғбек Долиев ўз таассуротларини шундай баён этганди: “Матбуот хизматлари фаолияти АҚШда қанчалик муҳим ўрин тутишининг гувоҳи бўлдим. Ўрганса арзийдиган жиҳатлари жуда кўп экан...”.

Матбуот котибларимиз ўша “ўрганса арзийдиган жиҳатлар”, умуман АҚШда кўрган-билганлари ҳақида батафсилроқ мақолалар ёзганларида нур устига аъло нур бўлур эди.

Кўрсатув бахши Жапақ Шамуратов хотирасига бағишлаб ўтказилган тадбирдан махсус тайёрланган, матни сермазмун, тарихий фактлар билан бойитилган. Муаллиф иш жараёнида тегишли манбалар ва адабиётларга мурожаат этгани яққол кўзга ташланади. Жанрига келсак, уни лавҳа ёки очерк дейиш қийин, чунки бу ерда асосан тарих ҳақида сўз боради. Шунинг учун жанри давр этюди деб баҳолашса, тўғрироқ бўлади.

Унда бахши ёшлигида кимлардан таълим олгани, масалан, Москвада В.Шафраников, Д.Тухманов, Н.Ягодинлар мактабларида ўқигани ҳақида маълумотлар бор. 1939 йилда “Алақайыс”, “Ешбай” каби куйлар Москвада грампластинкага ёзиб олингани тилга олинади. Маълум бўлишича, бахшининг 200 дан ошиқ мусикий асарлари ёш авлодга мерос қолган.

Бу кўрсатувни бошқаларидан ҳужжат асосига қурилганлиги ажратиб туради. Муаллиф томонидан келтирилган ушбу характердаги маълумотлар кўрсатув ишончлилигини оширган.

Шу ерда масаланинг яна бир жиҳатиға эътибор килмасдан бўлмайди. “Телевизионная журналистика” дарслиги муаллифлари телевидениенинг ахборот, маданий-маърифий, интегратив, ижтимоий-педагогик, ташкилий, таълимий ва дам олиш (гедонистик) функциялари борлигини қайд этади. Энди юқорида тилга олинган кўрсатувда ушбу функциялар бор-йўқлигини кўриб чиқсак.

Бу ерда ахборот функцияси бор. буни исботлашга зарурат ҳам йўқ. У маданий-маърифий функцияни ҳам бажаради, чунки бахшичилик – қоракалпоқ халқининг буюк маданий мероси. Интегратив функция икки томонлама намоён бўлади. Биринчидан, бир қатор санъат турларини ўзида бирлаштиради (ички сифат), иккинчидан, турли жамият қатламларини миллий гоя атрофида жипслаштиради. Ижтимоий-педагогик функция бахшичиликнинг табиатида бор, чунки халқ ижоди мумтоз тарбиявий восита сифатида ҳар томонлама тан олинган. Таълимий функциясига ҳам шубҳа йўқ, чунки шундай кўрсатувлар туфайли жамиятнинг деярли ҳар бир аъзоси ушбу дostonлар, қаҳрамонлар, шоирлар, бахшилар, жировлар ҳақида кенг миқёсдаги маълумотларга эга бўлади. Дам олиш функцияси телевидениенинг аксарият кўрсатувларига хос, бахшичилик ва жировчилик эса - бутун халқ яхши кўрадиган дам олиш усули.

Демак, санъатнинг бу турларига бағишланган кўрсатувларда телевидениенинг барча функциялари ўз аксини топади ва биз уларни энциклопедик характерга эга кўрсатувлар деб баҳолашимиз мумкин. Бундай дастурлар аслида бошқа мамлакатлар телевидениеларида камдан-кам учрайди, у ерда айнан икки-уч функция яққол амалга оширилади. Масалан, айрим мамлакатлар телевидениесида дам олишга мўлжалланган кўрсатувда таълим ёки тарбия билан боглиқ масалалар кўтарилмайди ва ҳк.

Айрим кўрсатувлар бевосита журналистик жанрлар шаклида тайёрланмаса-да, телевидение орқали аудиторияга етказилгани сабабли, улар маълум даражада оммавий ахборот воситаси ҳосиласига айланади. Лекин бу билан ўша асарлар журналистик маҳсулот бўлади дегани эмас, аксинча, телевизион хусусиятга эга бўлади. ҳолос. Масалан, 2006 йилнинг апрель ойида (2, 12 ва 16 кунлари) телеэкран орқали ёш бахшилар Г. Султонмуротов ва Т. Ережеповлар, Қўнғирот бахшиси О. Барлиқов ҳамда бахши киз З. Ибрагимова ижросида бахшиларнинг учта ярим соатлик концерти узатилди. Ушбу кўрсатувлар фақат журналистикага хос очик ижтимоий муаммога эга бўлмади, аммо уларда соғинч, мухаббат, қаҳрамонлик, ваъдага вафодорлик каби ички муаммо мавжуд эди.

Шу ерда козогистонлик олим Қудайберген Турсун миллий тележурналистиканинг тарихи ва ривожланиш тамойилларига бағишлаган докторлик диссертациясида “Бахшилар айтишуви”ни алоҳида жанр сифатида ўз тадқиқотиға киритганини эслаш ўринли бўлади.

“Такриз - бадий, бадий адабиёт, санъат, фан, журналистик асарларга жавобан мулоҳаза, баҳо, (кўпроқ ганқидий) тарикасида фикр юритадиган жанр.”¹ Аслида, тележанрларнинг анъанавий таснифида такриз йўқ. Негаки, бу

¹ Тертыйный А.А. Жанры периодического печатги. М.: Аспект Пресс. 2000. С. 146.

жанр кўпроқ матбуотга хос деб ҳисобланади. Лекин 2005 йил 11 май куни “Хабар” дастурида Тошкент шаҳридан тайёрланган материал берилган. Яъни, Зулфия мукофоти совриндори, Ўзбекистон Давлат консерваторияси студенти Ойжамал Тўремуротова илк марта Кенесбай Рахмоновнинг “Ўлим жазоси” асарига мусикасини басталаган. Тошкентда таҳсил олаётган ёш санъаткорлар томонидан саҳналаштирилгани, бу республика театрлари фестивалида муваффақиятли ўтгани таъкидланади. Профессор Фани Тўлаганов асар мусикасига яхши баҳо берган ва бу ҳақда ўз фикрларини билдирган.

2005 йил 17 сентябрь куни эфирга узатилган “Қизим сенга айтаман” кўрсатуви кўпроқ тақризни эслатади. Кўрсатувда Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат мусикали театрида режиссёр Жалғас Султобоев саҳналаштирган “Қайнона” спектакли ҳақида фикр юритилади.

Жанр нуктаи назаридан материал анча мураккаб, унда тақриз билан бир қаторда интервью, репортаж, мақола ва очерк белгилари ҳам бор. Одатда, бундай ҳолда кўрсатувнинг жанри унинг етакчи хусусиятидан келиб чиқиб белгиланади. Бу ерда бундай хусусият спектакль ҳақидаги фикрларда намойён бўлгани учун биз уни телевизион тақриз деб баҳоламоқчимиз. Сухбатга пойтахтдаги Сапар Хўжаниязов номидаги Ёш томошабинлар театрининг бир гуруҳ актёрлари ҳам қорланган бўлиб, улар “Қайнона” спектаклига ўз муносабатларини билдирганлар.

Умуман олганда, кўрсатувда актриса билан килинган суҳбат жонли чиққан. Лекин журналист изохлари ва саволларида одат бўлиб қолган камчиликлар кўзга ташланади. Мисол учун матндан бир парча келтирайлик: “Биз бугунги кўрсатувимизни театр саҳнасида хизмат қилаётган санъат ходимлари орасида бўлиб тайёрлаганмиз. Сабаби театр саҳнасида халқ ўз ҳаётини яқиндан кўради. Шунинг учун ҳам бизнинг кўрсатувимиз “Қизим сенга айтаман” деб номлангани учун халқ ўзининг кўп кўнгилсиз ҳолатларини, қизиқарли, мазмунли ҳаётини, шунингдек, халққа намуна бўладиган одамларни кўрадиган бўлгани учун театр саҳнасида халқимиз ўзининг ҳаётини кўради. Шунинг учун ҳам биз кўрсатувимизда санъат соҳаси ходимлари орасидаги ютуқлар, муаммолар хусусида сўз юритишни маъқул кўрдик”. (Саволларни таржима қилишда асл ҳолатни сақлаб қолишга ҳаракат қилдик.) Саволларда ҳам шундай нуксонлар бор.

Ушбу кўрсатув мисолида биз яна бир муаммога эътиборни қаратмоқчимиз. Бу – сарлавҳа масъулияти. Журналист ўз кўрсатувининг сарлавҳасига халқ мақолини чиқарган экан, бундай ҳаракат кўрсатув давомида ўзини оқлаши зарур эди. Аммо бу ҳол кузатилмади. Сарлавҳадаги сўзлар кимга нисбатан ишлатилган? Агар спектаклга нисбатан бўлса, бу ерда қайнона мавзуси ва халқ мақоли ўртасида чалкашлик борлиги аниқ, чунки сарлавҳа телетомошабинини асосий гоёдан узоклаштирмоқда. Агар режиссёрга нисбатан имо-ишора килинган бўлса (яъни, спектаклингиз унча ҳам яхши эмас деган маънода), унда буни яққолроқ кўрсатиш керак эди.

Қорақалпоғистон телевидениесига ҳужжатли телефильм ҳам учраб туради. Телефильм аслида журналистика жанри эмас. Бундай асар кўпроқ кино, санъатшуносликка тегишли. Лекин ҳужжатли телефильмни айрим пайтлари

мутахассислар телевизион журналистика жанрлари таркибига ҳам киритади. Шундай фильмлар Қорақалпоғистон телевидениесидан эфирга узатилиб турилади. 2005 йил 18 сентябрда “Мийрас” рукнида эфирга чиққан ва “Қиз камолга етса” деб номланган кўрсатув бунга мисол бўла олади. Фильм рус тилида тайёрланган ҳамда қорақалпоқларнинг миллий кийим-кечаклари ва уларни тикадиган ателье фаолиятига бағишланган. Лекин тасвирлардан ва баъзи келтирилган маълумотлардан аниқ бўлдики, фильмни “Қорақалпоқфильм” киностудияси суратга олган. Шундай кўрсатувларнинг таъсири бўлса керакки, бугунги кунда халқ орасида миллий кийимларда юриш яна урфга айланмоқда.

Телефильм жанрида бажарилган асарлар қаторига биз 2005 йил 21 июнь кунидаги “Қорақалпоқнома”, 8 июль кунидаги “Сур” деб номланган кўрсатувларни киритишимиз мумкин. Масалан, биринчи фильмда қорақалпоқларнинг миллий урф-одатлари, анъаналари, тантаналар дастурлари, кийимлари акс эттирилиб, асар жуда яхши чиққан.

Умумий хулоса сифатида айтиш мумкинки, бадий-публицистик жанрлардан фойдаланиш Қорақалпоғистон телевидениесига қониқарли аҳволда. Буни яхши савияда тайёрланган бир қатор бадий-публицистик лавҳа ва очерк, жировчилик ва бахшичилик жанрларидаги кўрсатувлардан ҳам билиб ола бўлади.

Кундалик ҳаётда бадий воситалардан кенг фойдаланиш қорақалпоқ проза ва поэзиясида узок вақтдан бери давом этиб келаётган миллий анъанадир. Ушбу анъана олдин босма матбуотга, кейинчалик эса радио ва телевидениеге ҳам кўчди. Бундай ёндашув, ўз навбатида, Қорақалпоғистон телевидениесини бошқа мамлакатлар телевидениесидан фаркланиб туришига сабаб бўлмоқда.

Агар биз Нукус телестудиясини Тошкентдаги телестудия билан киёсласак, бадий-публицистик жанрларнинг учта тури уч хил, бир-бирига ўхшамайдиган натижа беради. Биринчидан, лавҳа ва очерк жанрлари иккала телевидениеда деярли тенг аҳволда. Сатирик жанрлар нуктаи назаридан Тошкент студияларининг қўли баланд келмоқда. Бахшичилик Хоразм ва айрим бошқа вилоятлардан тайёрланган кўрсатувларда онда-сонда учраб турса-да, жировчилик ўзбеклар ва тожиклар учун ноанъанавий жанрдир.

Бадий-публицистик жанрларда кўрсатув тайёрлаш ва узатиш – ҳар бир янги авлодда миллий онг, кадр-қиммат ва гурурни тарбиялаш дегани. Бизнингча, ушбу амалиёт Қорақалпоғистон телевидениесининг асосий ютуқларидан биридир.

Худди шу фикрларни лавҳа ва очеркларнинг мавзу ҳамда қаҳрамонларига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Тарихий шахслар, ҳозирги замон олимлари ва давлат арбоблари, шоир ва ёзувчилар, деҳқон, ишчи ва спортчилар мазкур кўрсатувларнинг етакчи қаҳрамонлари сифатида экранга чиқмоқда. Миллий ҳунармандлик, санъат, рассомлик, проза ва шеърят бадий-публицистик жанрларнинг етакчи мавзулари ўрнида хизмат қилмоқдалар.

Бадий-публицистик жанрлар Қорақалпоғистон телевидениесига миллият характериға мос ҳолда тайёрланиб, шеърлар ва мусиқа билан тўлдирилади.

Бундай услуб Европа (масалан, Россия) телевидениесига хос бўлмаса-да, Осиё мамлакатлари телеэкранларида учраб туради.

Қорақалпоғистон тележурналистлари жанрлар самарадорлиги ва таъсирчанлигини кучайтириш мақсадида тарихий ҳужжатлар, бадий деталлар ва бошқа видео- ҳамда аудиовоситалардан фойдаланмоқдалар.

Сарлавҳа қўйиш маҳоратига келганда, бадий-публицистик жанрлардаги кўрсатувларда кўп ҳолларда қизиқарли ва томошабин диққатини ўзига тортадиган тарзда қўйилади ("Аҳволинг қалай, овулдош?" ва ҳ.к.). Лекин баландпарвоз, ортиқча пафосли сарлавҳалар ҳам кам эмас.

Айтиш мумкинки, бадий-публицистик жанрда тайёрланган кўрсатувлар бошқа жанрларга нисбатан қорақалпоқларнинг миллий турмуш тарзи ва характерини тўлароқ намоён этади.

Куанышбай ҚАЛЕКЕЕВ
(ЎзДЖТУ, тадқиқодчи)

Қорақалпоғистон матбуотида жиров ва бахшилар ижодини ёритиш тамойиллари

Мустақиллик даврида қорақалпоқ матбуоти халқ бахшилари ва жировлари ҳаёти ва ижодини муттасил чоп этиб боришга катта аҳамият қаратди. Техника ва технологиялар беҳад ривожланиб кетган давримизга келиб уларнинг ижодига ёшларнинг қизиқишини такомиллаштириш матбуотнинг асосий тамойилларидан бирига айланди.

Ватанимиз давлат мустақиллигига эришгандан сўнг чоп этилган дастлабки мақолалардаёқ эркин фикрлаш, кенг мулоҳаза юритиш, тарихга мурожаат қилиш хусусияти сезилади. Жировчилик, бахшичилик санъатининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихига оид журналистик асарларда қизик фактларга дуч келиш мумкин. Бундай мақолаларнинг муаллифлари жировчилик инсониятнинг энг қадимги санъат турларидан эканлигини исботлашга ҳаракат қилишади. Шу нуқтаи назардан С. Баҳадированинг кўбизга бағишланган мақоласи характерлидир. Унинг ёзишича, кўбиз ҳақидаги дастлабки маълумотлар Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит-турк» асарида учрайди. У кўбизга туркий халқларнинг мусиқа асбоби дея изоҳ берган. Кўбиз ва жировлар билан боғлиқ маълумотлар Лутфий, Навоий, Хоразмий ва Абулғози Баҳодирхон асарларида ҳам мавжуд. Мақола муаллифи инсоният кашф этган мусиқа асбобларининг ичида энг қадимийси кўбиз деган фикрни илғари сураркан, бошқа мусиқа асбобларининг юзага келишига кўбиз асос бўлган дейди. Муалиф мақоласида «Кўбизда чалинадиган номалар ер юзида одам боласи ҳали кам, кўпроқ кенглик ҳукм сурган вақтда инсоннинг дастлаб замин узра «Ёр юзининг эгаси мен!» деб бор овоз билан ҳайқиритишининг ифодаси бўлиб жаранлаган. Шу овознинг ўзи Рим тош ёдгорликлари сингари ёскидир. «Кўбиз» деган атама «кўб», «кўба» - «кўп яхши сўз», «кўп яхши воқеа» деган маънони англатади. Хуллас, бу атама кўп яхши сўзлар ҳамда

музыка оркали бўлиб ўтган тарихий воқеаларни, ботирлар ҳақидаги мадҳияларни теварак-атрофга ёйиш деган маънони билдиради. «Жиров» сўзининг ўзи «жир» - бўлган воқеани, ботирлар мадҳини куйлаш деган тушунчани англатади. Қўбиз энг кўҳна музыка асбоби сифатида бошқа халқларнинг музыка асбоблари юзага келиш учун таъсир кўрсатган»¹ - дея таъкидлайди.

Мақола муаллифи жировчилик маҳоратини мумтоз санъат турлари билан қиёслаш оркали унинг бошқа музикачилик санъатларидан устунлигини исботламокчи бўлган. Муаллифга далил сифатида куйидаги факт хизмат қилади: музикаий маҳсулоти жиҳатидан энг бой композиторлардан ҳисобланган П. И. Чайковский 6 симфония, 10 опера, 3 балет ижод қилган, қорақалпоқларнинг ҳар бир достони эса 10 мингдан 25 минг мисрагача бўлади. Ҳар бир достонда мингдан зиёд қўшиқ, терма, тўлғов қўлланилиб, улар ижро этилганида бир-бирига ўхшамайдиган 140 дан зиёд нома (куй) юзага келади. Балет ёки операни бир ёки икки соат ижро этиш мумкин. Жировлар етти-саккиз кун давомида 10-12 соатлаб ижро этадилар. Демак, жировчилик қиёс этилаётган балет, опера каби санъат турларидан мураккаброқ ва бойроқдир².

«Қарақалпақстан» журналининг 2004 йил, 1-сонида чоп этилган С. Раманованинг «Музыка маданияти – маънавият пойдеворидир» сарлавҳали мақоласида ҳам миллий музыка билан боглиқ қадимий қадриятларни ёшлар қай даражада эъзозланаётгани масаласи ўртага ташланган. Муаллиф «Қорақалпоқ музикаий анъаналари ичида юксак ижод маҳсули саналмиш жировчилик жанри энг қадимий санъат турларидан ҳисобланади. Жировчилик, чечанлик санъати халқ оғзаки ижодининг тури бўлибгина қолмасдан, қорақалпоқлар ўтмишининг ўзига хос солномалари ҳамдир. Ўтмишда яшаган Куркут, Майки, Кетбуга, Сўпбошли Сипра жиров, Асан Қайғи, Қозитувгон жиров, Мунке, Ерен (Жийренше)лар халқ ичидан чиққан бахши ва жировлар бўлиб, ҳақли тарзда халқ кечмишининг солномачилари сифатида тан олинган. Шу боис уларнинг анъаналари ХХI асргача эъзозланиб сақлаб келинмоқда»³ - деб кўрсатади. Шу билан бирга, муаллиф таассуф билан ёзадики, ёшларнинг кўпчилиги ҳозир энгил эстрада музикаларига кўнгил қўйиб, миллий мумтоз куйларига етарли эътибор беришмаяпти. Бунинг олдини олишда оммавий ахборот воситалари қатта аҳамиятга эга деган фикрни илгари сўради.

Мустақиллик даври Қорақалпоғистон матбуотида жиров-бахшилар ҳаёти ва ижодини ёритишда доимо фаол қатнашиб келган олимлар сирасига Қ.Мақсетов ва С.Баҳадироваларни киритиш мумкин. Улар фольклоршунос олим сифатида узок ва яқин ўтмишда яшаган халқ бахшилари ва жировларининг ҳаёти ва ижодини тарғиб ва ташвиқ этишда фаоллик кўрсатишган. Жумладан, Қ.Мақсетовнинг «Халқимизнинг буюк жирови» деб номланган мақоласи таникли жиров Қиёс Қайратдин ўглининг ҳаёти ва ижодига бағишланган. Айни пайтда, унда жировчи санъаткорнинг шаклланиш жараёни кўрсатилиши билан ҳам бу мақола характерлидир. «Қиёс Сайфулла

¹ «Амиўдарья», 2003. № 5-6. 99 бет.

² «Амиўдарья», 2003. № 5-6. 100 бет

³ «Қарақалпақстан», 2004. № 1 42 бет

жировга шогирд тушади,- деб ёзади муаллиф – устознинг қаттиққўллигига чидам бериб, унинг айтганларининг ҳаммасини бекаму кўст бажаради. Қиёсنى имтиҳондан ўтказган Сайфулла жиров унга «Эгри ёғоч исканжасиз тузалмайди, ихлос қилмаса, ният қилинган иш битмайди, ниятинг ёмон эмас экан, чироғим» деб»¹, унга астойдил жировчиликнинг сир-асрорларини ўргата бошлайди.

Қорақалпоғистон матбуотида тарихий шахслар ҳаёти ва ижодини ёритувчи материаллар уларнинг таваллуд кунларига бағишланган рубрикаларда чоп этилган. Масалан, С. Баўатдиновнинг «Қарақалпақстан жаслары» газетасининг 2007 йил 18 феврал сониде эълон қилинган «Ўзига хос йўли бўлди Қиёс жировнинг» сарлавҳали мақоласи буюк куйчининг 100 йиллиги муносабати билан ёзилган. У Қ.Мақсетовнинг юқорида таҳлил қилинган мақоласини маълум даражада тўлдиради. Муаллиф Қиёс Жировнинг ижодини халқ ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тадқиқ этади.

Қ. Мақсетовнинг «Амир Темур ва қорақалпоқ жировлари»² сарлавҳали мақоласи буюк соҳибқироннинг 1996 йили нишонланган 660 йиллиги муносабати билан чоп қилинган. Мақолада Амир Темур ва темурийлар даврида яшаган қорақалпоқ жировлари ҳақида сўз юритилган. Муаллиф, асосан, «Едиге» достонига тўхталган. Халқ бахшилари томонидан яратилган, бахшилар, жировлар томонидан куйланган мазкур достонга янада реал тарихий асар сифатида ёндашилган. Бунинг ўзиёқ юқорида қайд этганимиз - қорақалпоқлар халқ бахшилари ва жировларини тарихчи сифатида улуғлайди, деган фикрни яна бир қарра тасдиқлайди. Тарихий эпос бўлган «Едиге» достониде XIV асрнинг иккинчи ярмида Едигенинг Тўхтамиш устидан галаба қозониши тарихда қандай бўлса, достонда ҳам шундай тасвирланган»,- деб ёзади Қ. Мақсетов.

«Едиге» достони қорақалпоқ қахрамонлик эпосининг энг гўзал намуналаридан бўлгани учун унинг матнига қорақалпоғистон матбуотида алоҳида эътибор берилади. «Амиўдарья» журналининг 2004 йил 1- сониде «Едиге»нинг Жумабой жиров Базаров айтган варианты чоп этилди. Ҳар ҳолда, бундай машҳур достонни айтган жиров қатта маҳоратга эга бўлиши аниқ. Жировдан тасаввур қуввати, тасвир маҳорати, сўзни заргардек танлаш санъати талаб қилинади. Бундай поэтик хусусиятга эга бўлиш лозимлигини жировнинг ўзи ҳам яхши англайди. «Едиге» достониде сўз маҳоратига бағишланган шундай мисралар бор (таржимаси):

«Шундай чиройли сўйласанг,
Сўз маъносини теран етказсанг,
Халқ олдида достон айтмоққа яраша нутқинг бўлса.
Қариганим йўқ, чироғим,
Жарангласа деб овозим,
Шу сўзларни айтди Генжембай».

Жировларнинг халқ орасида обрў қозониши, энг аввало, уларнинг ижрочилик маҳоратига боғлиқ бўлган. Жировчиликда ижро – бу сўз танлаш,

¹ «Еркин Қарақалпақстан». 1995. 25-январь.

² «Еркин Қарақалпақстан». 1996. 8 март.

ифода этиш ва куйнинг бирикиб кетишидан таркиб топади. С. Баҳадированинг «Жиров номалари – бебаҳо тарихий ёдгорлик»¹ сарлавҳали мақоласи бу фикрнинг ёрқин исботидир. Муаллифнинг ёзишича, қорақалпоқ достонларининг аксари етти мингдан йигирма беш минг қаторгача бўлади. Айни пайтда, уларнинг жуда кўп вариантлари учрайди. Ҳар бир вариантни ижро этишда алоҳида куйдан фойдаланилган. Қиёс жиров «Алпомиш» достонини 29 вариантда айта олган. Демак, бир достонни ижро этишда жиров 29 куй вариантига ҳам рўя қилган. Олиманинг қайд этишича, катта жировлар кейинги авлодларга достонларни қай усулда ижро этишни, қандай куйлардан фойдаланишни достон кўлёзмаларининг хошияларига ёзиб қўйишган. Бу факт қорақалпоқ жировларининг ўз давомчиларига кўрсатган раҳнамоликларининг ёрқин далилидир.

Жировларнинг устоз-шогирдлик муносабатларига алоҳида эътибор билан қаралган. Қорақалпоғистон матбуотида бу мавзуда муттасил мақолалар босилиб туради. Жумладан, С. Раманованинг «Музыка маданияти – маънавият пойдевори»², К. Мамбетназаровнинг «Жийемурат жиров жырлаган «Алпомиш» достони»³, Т. Адамбоева ва А. Алимоваларнинг «Соз билан суҳбатни ёлғон демангллар...»⁴ каби мақолаларда шу мавзу қаламга олинган.

Т. Адамбоева ва А. Алимоваларнинг мақоласида бахши Г. Тилеўмуратов ҳақида сўз юритилади. Муаллифлар бахшининг ижодий фаолияти ҳақида ёзишаркан, унинг устози кимлар бўлганига алоҳида эътибор қаратишган. «У қорақалпоқ бахшчилик санъатининг бир қисмини ташкил қиладиган, - дея ёзишади улар, - Арзи бахшининг шогирдлари Бегим ва Даўит бахшиларга шогирд тушиб таълим олган»⁵. Шуниси характерики, устоз-шогирдлик анъанаси қаламга олинаркан, икки-уч устоз доирасида сўз юритилган. Демак, машхур бахшилар, жировлар етишиб чиқишда уларнинг бевосита устозлари билан бирга, устозларнинг устозлари ҳам билвосита ҳисса қўшганлар. Бу, аввало, устозлар руҳига ҳурматни англатса, иккинчидан, жировлар ва бахшиларнинг яратган усуллари, йўллари адабийлигини кўрсатади. Шу жиҳатларига кўра, мазкур мақола муайян аҳамиятга эга.

Таникли фольклоршунос олим Абубакир Диваев Туркистон вилояти ходимларининг биридан «Алпомиш» достонини ёзиб келишни илтимос қилган. Шу тариқа, 1896 йил июн ойида Сирдарё области Амударё қисмининг Тўртқўл волостида яшовчи Жийемурат жиров Бекмуҳаммад ўғлидан ёзиб олинган «Алпомиш» достонининг матни 1897 йилнинг ноябр ойида нашрга берилади ва 1902 йили араб ёзувида (русчага таржимаси билан) «Сборник материалов для статистики Сирдарьинской области» мажмуасининг 10- жиллида босилган. Мазкур матн «Алпомиш» достонини гадқик этувчилар учун ҳамон қимматли манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Шунини ҳам таъкидлаш лозимки, татар халқининг фарзанди Абубакир Диваев бу хизмати билан қорақалпоқ

¹ «Қарақалпоқстан жаслар», 2000. 5 октябр.

² «Қарақалпоқстан», 2004 № 1

³ «Амударья», 2000 № 5.

⁴ «Қарақалпоқстан», 2002 № 3-4

⁵ Ушбу манба, 47 бет.

маданиятига бебаҳо ҳисса қўшган. Қ.Жумажановнинг «Довқора атрофи жировлари куйлаган «Бўзўғлон» достони ҳақида»¹ сарлавҳали мақоласида муаллиф қорақалпоқ дostonларини қўшни халқлар дostonлари билан қиёслаш услубида ўрганади. Бу усул унга муайян янги имкониётлар берган.

Мустақиллик даври Қорақалпоғистон матбуотида халқ жировларининг фаолияти рус тилидаги даврий нашрларда ҳам ёритилди. Жумладан, Т. Тюгайнинг «Эшон қалъа меҳмонларни қутламоқда»², А. Коротковнинг «Сайра, дуторим»³ сарлавҳали мақолалари, К. Есемуратовнинг олима С.Баҳадирова билан ўтказган интервьюси⁴ мазкур мавзунинг у ёки бу қиррасини ёритиш билан боғлиқдир.

Хулоса тариқасида айтиш мумкинки, Қорақалпоғистон матбуоти жирова-бахшилар ҳаёти ва фаолиятини миллий қаҳрамонлар даражасида ёритишга ва тарихий факт ҳамда аргументлар асосида исботлашга ҳаракат қилмоқда.

Замонавий қорақалпоқ матбуотида жиров ва бахшилар ҳаёти ва ижоди муайян даражада ёритилмоқда. Бунда асосий тамойил – бахши ва жировларнинг ижодкор сифатидаги жуда катта мавқеини кўрсатиб бериш билан бирга, уларнинг халқ ҳаёти солномачилари сифатидаги фаолиятини тақдирлашдир. Бу мавзуда эълон қилинган аксари материалларда бахши ва жировларнинг алоҳида истеъдод соҳиблари экани кўрсатиб берилган. Айни пайтда, уларнинг маҳоратини белгиловчи мезонлар ҳам аниқланган.

Жиров ва бахшилар ҳақида ёзилган материалларда муаллифларнинг ўз миллий қадриятлари билан фахрланиш туйғуси ёрқин акс этиб туради.

Умуман олганда, Қорақалпоғистон матбуоти ўз халқидан чиққан ижодкор сиймоларининг ҳаёти ва фаолиятини етарли савияда ёритмоқда.

Муҳаббат СОЛИЕВА
(ЎзДЖТУ, ўқитувчи)

Ўрта асрларда давлат бошқарувида маъмурий коммуникациянинг аҳамияти

Жамият ва миллат шаклланишида қайси бир тузилма кўпроқ аҳамиятга эга, деган савол қўйилса, албатта биринчи ўринда давлат бошқаруви тилга олинади. Ўрта асрларда Марказий Осиёда оммавий коммуникация ёрдамида давлат бошқарувини бир қатор асарлар мисолида кўриб чиқиш мумкин. Масалан, Абу Наср Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарида муаллиф бу ҳақда шундай фикр билдиради: “Сохиби қонун қонунларни жорий қила олиши, фармон беришни билиши зарур, дейди. Агар у ўзи буюрган нарсани жорий этолмаса,

¹ ЎзРФА ҚФ «Хабаршысы», 2007 йил, № 5-6.

² Коротков А. Поёт, мой дугар. // «Вести Каракалпакстана». 1998. 7 март.

³ Есемуратов К. Поёт, мойбыз, громко звучащий мой! // «Вести Каракалпакстана». 2005. 10 сентябрь.

агар бошқалар бўйсунган нарсага ўзи амал қилмаса, у ҳолда унинг сўзлари қўл остидагиларга таъсир этмайди».¹

Демак, маъмурий коммуникациянинг муҳим вазифалари қонунларни тайёрлашдан ташқари давлат бошқарувини ва қонунларга амал қилишини таъминлаш, акс ҳолда, Фаробий айтганидек, унинг сўзлари қўли остидагиларга таъсир этмайди. Асарнинг бошқа бир жойида Фаробий шундай деб ёзади: «Афлотун, Соҳиби қонун биринчидан, қонунларни жорий қила олиши, иккинчидан фармон беришни билиши зарур, дейди»²

Муаллиф айтганидек, Соҳиби қонун тарихий анъаналарни, фалсафа, ҳуқуқ ҳақидаги асарларни ўрганиб, қонун чиқаришни уддалаши ва фармон тайёрлаш санъатини эгалламоғи шарт. Швейцариялик тарихчи Адам Мец «Мусульмон Ренессанси» асарида Афлотуннинг илмий қарашлари ҳақида яхши фикрларни айтади. Айнан, антик давр илми ва маданияти Марказий Осиёда яшаган ўрта аср олимларининг асарларида ўз аксини топган.

Бундай фикрларни Фаробийнинг “Фозил одамлар шахри” асарида ҳам кўриш мумкин: «Афлотун, Соҳиби қонун ёшлигидан бошлаб давлат ишлари бўйича фойдали машқлар қилиб юришга, давлат ишларининг тўғри ва нотўғрилиги ҳақида мулоҳаза юритишга ўрганган бўлса, у ҳолда вақти-вақти билан ўзи устидан назорат ўрнатиши ҳамда авваллари шугулланган ва ҳозир ҳам давом эттираётган машғулотирига сабот, кунт билан қараши зарурлигини тушунтиради»³

Фаробий асарининг мақсади - Афлотун каби олимларнинг дастлабки тарихий қўлёзмаларида айtilган манбаларнинг айнан керакли қисмларини ривожлантириб, шарҳлаш ва кейинги авлодларга етказишдир.

Бундан ташқари бошқа бир қанча асарларда ҳам давлат бошқаруви қандай бўлиши кераклиги ҳақида илмий фикрлар бор. Булар, биринчидан, давлат раҳбари нисбатига айtilган гаплар бўлса, иккинчидан, бевосита жойдаги раҳбарлар ҳақида фикрлардир. «Фозил одамлар шахри» асарида, шундай мисол келтирилади: «Ҳокимлар ўртасида табиий тартибни, ўрната олмаган қонун чиқарувчи кўп ўтмай масҳара бўлади ва ниҳоят унинг ишлари тушунарсиз бўлиб, чиқарган қонунлари у билан шаҳарнинг ўзи ҳам инкирозга юз тутиши мумкин»⁴

Давлат бошқарувида ҳокимлар фаолиятига қонун жиҳатдан эътибор берилганлиги боис асар жиддий аҳамиятга эга. Турли асарларда давлат бошқарувининг ҳар хил шакллари ҳақида фикр юритилади, жумладан, буйруқ ҳақида. Масалан, Наршахий шундай ёзади: “Ҳомукетдан келган бир киши амирнинг яқин кишиларидан бўлган» деган буйруқ бўлди»⁵

Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” асарида ҳам буйруқ асосидаги мулоқот шакллари учратиш мумкин. Масалан, «Амир Исмоил Самоний, Амир

¹ Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. 20-б.

² Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. 20-б.

³ Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. 21-б.

⁴ Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. 39-б.

⁵ Наршахий. Бухоро тарихи. 8-б.

Исмоил Лайсга: «Бу мавзени сен олгин. Абу-л-Ҳасан оризга айт, у ҳар йили Аби Исҳоқка йигирма минг дирҳам бериб турсин»-деб буйруқ берди»¹

Амалдорлар буйруқларни кўпчиликка етказиш зарур бўлганлиги туфайли оммавий коммуникациянинг бир тури ҳисобланади.

Наршахий асарида давлат бошқарувининг турли шакллари ҳақида мисолларни кўриш мумкин, “Бухоро тарихи” асари Инсоният тарихида ҳужжатли тарзда ёзилгани ва нодир манбалардан бўлганлиги учун ҳам унга эътибор катта. Масалан, бошқарув усули сифатида Бухоро амири ҳузурида ўнта девон бўлганлиги баён этилади.

Бугунги кунда уларни вазирликлар деб аташ мумкин, масалан, алоқа вазирлиги, ички ишлар вазирлиги ва бошқалар. Демак, Наршахийнинг ушбу асаридаги манбалардан кўринадиги, Бухоро аркида бундан кейинги даврларда яшаган амирларнинг ҳам подшоҳлик девонхоналари бўлган. Бу ҳақда Наршахийнинг китобида аниқ маълумот берилади, дастлабки девонлар тахминан VII асрларда пайдо бўлгани ҳақида маълумотлар бор.

Исмоил Сомоний қобилиятли раҳбар бўлганлиги ва давлатни ривожлантириш учун доимий курашгани, унинг доно вазирларининг фаолиятлари боис давлати кучли бўлганлиги, унинг даврида бундай девонлар катта аҳамиятга эга бўлган. Исмоил Сомоний бошқа амирлар каби маслаҳат кенгашлари ўтказган кўпчиликнинг фикрини эшитиб, қарор қабул қилган. Масалан: «Наршахий баён қилишича Бухоро аркида яшаган амирларнинг тахминан VII –аср ўрталаридан бошлаб подшоҳлар девонлари бўлган»². Амир бошқалар билан бамаслаҳат ишлар қилган, демак, ўша вақтда ҳам жамоатчилик билан боғланиш маълум бир даражада амалга оширилган.

Низомулмулк ўз асарида Исмоил Сомоний яшаган давр, шу билан бир қаторда қадимги даврлар тарихий тажрибасини, ўзидан олдинги ўтган адолатли подшоҳлар фаолиятини, шундай ёзди: «848 йилларда Бухоро амири Аҳмад ибн Холиддан “шаҳримиз атрофида девор бўлиши керак, токи биз кечаси дарвозаларни беркитиб, ўғрилар ва йўлкесарлардан тинч бўлайлик”- деб илтимос қилишди Хуросон халки»³. Бундай усулни биз халқ мурожаати деб баҳоласак бўлади. Адолатли подшоҳлар давлатни тўғри бошқариш мақсадида кўпчиликнинг фикрини эшитиб амалга оширган, жумладан оддий одамлар ҳам уларга ўз фикрини билдиришга имконияти бўлган. Бу ҳақда кўп асарларда далиллар бор. Масалан, Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”асарида ёзишича: «Нўширавон буйруқ чикарди: «Бир занжирга кўнғирокларни шундай пастликда осилтириб қўйингларки, етти ёшли боланинг ҳам қўли етсин. Бирор-бир мутаазаллим саройга келса, эшик қаровулига иши тушмасину шу кўнғирок ипини тортсин ва Нўширавон эшитиб, унинг додини тинглаб чора қилсин»⁴ (Бу ерда муаллиф эшик қаровуллари аҳолининг баъзи бир хабарларни подшоҳга етказмаслигини назарда тутмоқда – М.С.).

¹ Наршахий Бухоро тарихи. 12-б

² Наршахий Бухоро тарихи. 69-б

³ Наршахий Бухоро тарихи. 37-б

⁴ Низомулмулк. Сиёсатнома. 45-б.

Соҳиби хабар, хабарни етказувчидир яъни, саройнинг ишончли ходими бўлиб, у подшоҳга раият аҳолининг кун давомидаги барча хабарларини етказиб турган.

Давлат бошқарувининг бундай усули ҳам оммавий коммуникация орқали амалга ошириладиган жараёндир. Агар хабар вақтида етказилмаса, салбий ҳодисаларга нисбатан чора кўрилмаса бу подшоҳ учун жиддий хато ҳисобланади. Подшоҳ бўлаётган воқеалардан вақтида хабардор бўлса ва адолат билан иш кўрса, унда у халқнинг ҳурматиға сазовор бўлган.

Худди шу асарда бошқа усуллар ҳам тилга олинган. Масалан, бир жойда Низомулмулк шундай деб ёзади: «Мажлисга келадиган кишилар сонини аниқлаб уларга кўрсатмалар берилган»¹. Демак, мажлисга келадиган кишилар тартиби ва ҳар бирининг қандайдир таклиф билан келиши шарт ҳисобланган бўлиши мумкин. Ортиқча одам келмаслиги, таклиф қилинган одамларнинг барчаси келиши, ҳар тоифа алоҳида йиғилиши, ҳар тоифага режалаштирилган маълумот алоҳида етказилиши, ва бу маълумотнинг етиб боришини кузатиш, унинг бажарилишини таъминлаш, назорат қилиш, бундай усуллар оммавий ахборот тарқатиш орқали, давлат бошқарувини таъминлаган.

“Подшоҳ раият ва лашкар аҳволидан тўла хабардор бўлиш ва уларга қанча харажат кетишини билиши вожибдир.

Агарда шундай бўлмаса, катта хато бўлади. Омиллар ситамкорликка қўл урадилар ва мамлакатда содир бўлаётган фасод ва золимликдан подшоҳнинг ё хабари бор ёки йўқ дейдилар. Агарда била туриб чора кўрмаса у ҳолда подшоҳ ҳам золимлик қилган ва ўзи зулму-ситамга розилик берган бўлади ва агарда билмаса, демак у гофилдир ҳар икки ҳолат ҳам яхши эмас. Шундай экан, соҳиби хабарга хожат сезилади”² - деб ёзади Низомулмулк. Муаллиф воқеаларни объектив ёритишга ҳаракат қилган, асар мазмунини анча пухта ишланган бўлиб, жалб этган манбалар ҳаётийлиги билан ҳам эътиборлидир. “Халифат иши олти кишидан иборат маслаҳат кенгаши бўлиб, булар Усмон, Али, Абдурахмон бин, Авф, Талха, Зубайр ва Саъид бин Ваққос. Беш кишидан иборат маслаҳат кенгаши номоз айтиш ихтиёрини бердилар. Ва Ҳазрати Усмонни саҳобалар иштирокида раисликка сайладилар. Ҳазрати Усмон раисликни қабул қилди ва халифа билан бирга жумъа ва байрам номозларини ўқидилар. Бу Ҳазрати Усмоннинг халифалиги даврида иттифоқ бўлганлигини кўрсатади”³.

Минучеҳр Амирга Ҳасан Муҳаддисни юборади. У амирга вақти-вақти билан хат ва оғзаки ахборотни етказиб турган. Буни айгоқчи деса ҳам бўлади, лекин аслида бу хабар етказиш усулларида биридир. Амирлар вилоятлардаги аҳволдан хабардор бўлиб аҳоли ўртасидаги муносабатлар, одамларнинг кайфияти тўғрисида маълумот йиғиб боришга ҳаракат қилган.

Низомулмулкнинг маълумотиға қараганда, агар бирон бир машҳур зодагонга лавозим бериш керак бўлса, вазир шартнома ёзган ва лавозим

¹ Низомулмулк. Сиясатнома. 66-б.

² Низомулмулк. Сиясатнома. 69-б.

³ Низомулмулк. Сиясатнома. 69-б.

эгасидан уни бажариш хакида фикр сўраган. Агар у ижобий фикр билдирса подшоҳ шартономага қўл қўйган, кейин шартнома халқ олдида эълон қилинган.

Саройда қайси бир лавозимга сайланган киши ишни ҳалол бажариш тўғрисида касам ичган ва шартномадаги барча шартларни бажариши хақидаги хужжатни халқ олдида ўқиб эшиттирилган.

Амирлар ўша вақтларда махсус муҳрга ёки узукларга ишланган шахсий муҳрларига эга бўлган. Бу узукларга усталар амир хоҳлаган тасвирларни тушурган. Муҳрда асосан амирнинг исми ёки бошқа бирон-бир тимсолни акс эттирган расм ишланган. Амирлар ёзган хатлари ёки буйруқлар ишончли бўлиши учун муҳрлаган. Масалан, Амир Масъуднинг қўлида феруза тошидан ясалган узук бўлган ва бу узукда амирнинг исми акс эттирилганлиги манбалардан маълум.

Бугунги давлат тизими билан ўша даврни солиштирилса, катта фарқ борлиги аён бўлади. Конституция бўлмаганлиги ёки ҳарбий қўшинлар бундай кучга эга эмаслигига қарамасдан, ахборот алмашув бўлган, гарчи у ҳажман унча катта бўлмаса ҳам. Фақатгина коммуникация жараёнлари ривожланган жойдагина давлат ривожланиши муқаррар. Давлат ривожланиши бўлган жойда ахборот алмашуви ҳам ўзига хос хусусиятга эга бўлади.

Абадан ДОСЫМБЕТОВА
(ҚҚМУ, оқытыўшы)

Ш. Сейтов лирикасында еркин қосықлар

Кескин өзгерислер, раўажланыўлар дәўиринде жасап атырган адамлардың курамалы кейпийтын, кеўил кеширмелерин сәўлелендириўде өз-өзинен жаңаша дәстүрлердин, жаңа формалардын зәрүрлиги туўылды. Батыс поэзиясына тән лирикалық форма болған еркин қосықлардың ХХ әсирдин 80-жылларында қарақалпақ әдебиятында массалық түс алыўы пикиримизди дәлийллейди. Шайыр Ш. Сейтов та дәўир ҳақыйқатлығын, өмир кубылысларын, инсан руўхый әлеми кеширмелерин сәўлелендириўде еркин қосық формасынан утымлы пайдаланады. Оның «Бир қыз соқыр жетелер», «Бердақ шайыр хәм оның монументи ҳаққында еки аўыз сөз» қосықларында еркин форма арқалы лириканың ўақыт хәм кеңсизлик бойынша шексизлик имканиятларын жүзеге шығарады. Бир шығармада бир неше дәўирлер көриниси хәм мәңгилик өмир түсиниги, бүгинги күн, өтмиш хәм «о дүнья» ҳаққындағы көркем ҳақыйқатлықларды сүўретлейди. Ш. Сейтов еркин қосықларының мазмуны кең хәм көп образлылыққа ийе.

«Кимге, неге керек?» қосығында қайталаў хәм риторикалық сораў усулларының жәрдеминде лирикалық қаҳарманның халық аралық жағдай хәм халықтың тынышлығы туўралы тәшўишли ой-толғаныслары бериледи. Географиялық кеңликлер, тәбият көринислери, тәбийий байлықлар, дүнья цивилизациясының жетіскенликлери – кулласы, болмысты кураўшы барлық нәрсе хәм ҳәдийселер дизип келинеди де, олардың бәри керексиз, қәлирсиз

ирселер сыпатында қаралып, халық тынышлығы биринши орынға алып ығылады.

Шайырдың «Туңғыш қасыл» деп аталған қосығында да көпқатламлы этикалық мазмун сәулеленген. Қосықтың тийкарға мазмуны туңғыш пахта ысылына хәм де туңғыш ақлығына байланыслы лирикалық қахарманның сезим йғыларын сүүретлеўге қаратылған. Усы тийкарғы мазмун қосымша шейтиўши хызметиндеги пикирлеўлер менен байытылған. Қосықта еркин эрма арқалы жеке турмыслық, социаллық ўақыя, ҳәдийселерди хәм дәўирдин шшы ҳақыйқатлығын—пахта монокультурасының үстемлигин береді.

Еркин қосықлардың дәстүрий қосықтан хәм прозадан өзгешелигин әлгийлеуігын оның тийкарғы компоненти ырғақ болып есапланады. Ш. Сейтов еркин қосықларына тән сыпат—олардың хәр биринде жаңа индивидуаль ырғақ көриниси пайда егиледи. Шайырдың «Сен ишип қойғансаң» қосығында ырғақ уйқас хәм қайталаўлардың қатнасы, синтаксислик бирликлердин айласыў көринисине байланыслы жүзеге келген. «Сен кемпир емессең» қосығында ырғақтың шөлкемлесиўинде қайталаўлар айрықша орын ийелейди. Қосықтың бәнтлик қурылысы да белгили уйқас системасы арқалы емес, ал қосық мазмунына байланыслы еркин ислетилген.

Шайырдың еркин қосықларында ырғақты жүзеге келтириўши компонентлердин бири сыпатында уйқас қатнастырылып, ол еркин көринисте: ырым орынларда хәлсиреген, яки түсирилген түринде ислетиледи. Элементар йталаў усылары болған аллитерация, ассонанс, анафоралар да өнимли елланады.

Жуўмақластырып айтқанда, Ш. Сейтовтың еркин қосықларында эрмалық элементлердин қолланылыўы хәр биринде өзине тән көриниске, ынамлылыққа ийе болып келеди. Бул ынамлылық қосық мазмунына ййкарланған болады. Шайыр еркин қосықларында оқыўшыларға лирикалық қахарманның кеўил дүньясындағы кеширмелерин, дәртлерин төгип салады.

Адиба ЎСАРОВА
(ЎзДЖТУ, тадқиқотчи)

**Оммавий ахборот воситаларида реклама:
қонун ҳужжатларига амал қилиниши таҳлили ва журналистлик
маҳорат**

Бугунги глобаллашув жараёнини, ахборотлашған жамиятни оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этиб бўлмаганидек, ОАВни ҳам рекламаларсиз тасаввур этиш қийин. Бирок шу ўринда ҳақли бир савол туғилиши тайин: АВда рекламани тайёрлаш ва тарқатиш билан боғлиқ муносабатлар қандай ртибга солинади? Ёхуд ОАВ бугунги кунда реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига нечоғли амал қилмоқда? Мазкур мақолани ушбу масалага ййишламoқчимиз.

Реклама (лотинча "reklamо" — "қичқирмок" сўздан олинган бўлиб) мазмун-моҳиятига кўра, товарларнинг сифати, уларни сотиб олишдан кўриладиган наф ҳақидаги ахборотдир. Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги Қонуни 4-моддасида реклама тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: "реклама - бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ёки жисмоний шахслар, маҳсулот, шу жумладан товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва технологиялар тўғрисида ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай воситалар ёрдамида қонун ҳужжатларига мувофиқ тарқатиладиган махсус ахборот".¹

Реклама маркетингнинг таркибий қисми бўлиб, талабнинг ва истеъмолчилар дидининг шаклланишига таъсир кўрсатади. Реклама корхона имижини яратиш, харидорларга нима сотиб олиш ва уни нима учун сотиб олиш зарурлигини ҳал қилишда ёрдамлашиш мақсадида олиб борилади. Рекламанинг асосий вазифаси — харидорни қизиқтириш, мижозлар сафини кенгайтиришдан иборат. Айни пайтда реклама бир неча вазифани бажаради:

- маълумот берувчи;
- ишонтирувчи;
- эслатувчи.

Маълумки, рекламанинг пайдо бўлиши узоқ тарихга эга. Қадимий Юнонистон ва Римда оғзаки ва ёзма рекламадан кенг фойдаланилганлиги, ҳатто товар белгиси қўйилиб, тамғалаш йўли билан маҳсулотлар реклама қилинганлиги ҳақида тарихий манъбалар мавжуд. Профессор Ш.Абдуллаева ва Ш.Носировнинг қайд этишича, ҳозирги шаклдаги реклама илк бор АҚШда пайдо бўлган.² XIX асрнинг иккинчи ярмида АҚШда биринчи реклама агентликлари фаолият кўрсата бошлаган. Дастлаб ёзма реклама харидорларни дўкон ва унда сотиладиган товарлардан хабардор қилиш вазифасини бажарган. Бу иш тахталавҳа ёзиш ва витриналар ташкил этиш орқали амалга оширилган. Кейинчалик реклама потенциал харидорга нашрлар орқали мурожаат шаклига айланди — афишалар, газеталар, журналлар, китобларда ахборот-реклама эълонлари пайдо бўлди. Вакт ўтган сари реклама ишига оммавий ахборот воситалари (матбуот, телевидение, радио, кино) кенг жалб этила бошланди. Ҳаттоки юртимизда ҳам 1913-1914 йилларда Бехбудий муҳаррирлигида чоп этилган "Самарқанд" газетаси³ ва "Ойна" журналида⁴ мунғазам рекламалар бериб борилган. Бугунги кунда эса реклама бозорини ОАВсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Чунки ОАВ реклама тарқатиш ва жойлаштиришнинг энг қулай, арзон ва самарали воситасидир.

Мамлакатимизда реклама бозори, хусусан, рекламани тайёрлаш ва тарқатиш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги Қонуни (1998 йил 25 декабрь), Вазирлар Маҳкамасининг "Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга

¹ Тўртинчи ҳокимият. Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари, нашрлик ва матбаачилик фаолиятини тартибга солишчи қонуни ва қарорлари тўплами. — Т.: "Ўзбекистон", 1998. 63-бет

² Абдуллаева Ш., Носиров П. Маркетинг — бозор иқтисодиёти асоси. — Т.: "Молия", 1994. 14-б.

³ "Самарқанд" газетаси. 1913 йилдаги сонлари.

⁴ "Ойна" журнаси. 1914 йилдаги сонлари.

доир чора-тадбирлар ҳақида“ги (2000 йил 26 июндаги 243-сон) қарори ҳамда ушбу қарорга мувофиқ ишлаб чиқилган “Рекламани жойлаштириш тўғрисида Низом” ва бошқа қатор қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосий вазифаси юргимизда юридик ва жисмоний шахслар ёки маҳсулотлар тўғрисида ахборот оқимиини шакллантириш, тадбиркорлик ва истеъмол маданиятини такомиллаштириш, рекламанинг давлат ва жамоат манфаатларига, ахлоқ ва маънавиятнинг умум эътироф этилган нормаларига, юридик ва жисмоний шахсларнинг ишчанлик обрўсига, атроф муҳит ҳолатига таъжовуздан ҳимояланиш чораларини таъминлаш, маҳсулотнинг характери, тайёрланиш усули ва жойи, истеъмол хусусиятлари, сифати ва бошқа тавсифлари, уни реализация қилиш шартларига кўра истеъмолчиларни жалғиғадаган ёлғон ёки ноаниқ маълумотлар реклама воситасида тарқатилишининг олдини олишдан иборатдир.

Айтиш жоизки, қонунийлик, аниқлик, ишончлилик рекламанинг муҳим принципларидир. Рекламадан фойдаланувчига зарар, шунингдек маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш рекламага доир асосий талаблар ҳисобланади ва бу кўп жиҳатдан ОАВ фаолиятига ҳам даҳлдордир. Бинобарин, реклама, шаклидан ёки фойдаланиладиган тарқатиш воситаларидан қатъи назар, махсус билимларсиз ва техник воситаларни қўллашларсиз таниб олинадиган бўлиши лозим.

Амалдаги қонун ҳужжатларида рекламага доир қатор талаблар белгиланган бўлиб, хусусан, ОАВда жойлаштирилаётган ва тарқатиладиган рекламада қуйидагилар тақиқланади:

- ишлаб чиқарилиши ёки реализация қилиниши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган маҳсулот тўғрисида ахборот тарқатиш;

- жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеига қараб, бошқа ҳолатларга кўра камситиш ёки ўзга шахсларнинг маҳсулотини бадном этиш;

- қонун ҳужжатларининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган, фуқароларнинг соғлиғи ёки ҳаётига ва атроф муҳитга зарар етказувчи ёхуд зарар етказиши мумкин бўлган, шунингдек хавфсизлик воситаларига эътиборсизлик туйғусини уйғотувчи ҳаракатларга даъват қилиш;

- мажбурий сертификатлаштирилиши зарур бўлган ёки ишлаб чиқарилиши ёхуд реализация қилиниши учун махсус рухсатнома (лицензия) бўлиши талаб этиладиган маҳсулотни тегишли сертификати, лицензияси бўлмайд туриб реклама қилиш;

- агар муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, бошқа маҳсулот рекламасида қўлланиладиган умумий ечим, матн, тасвир, мусиқали ёки овозли оҳангларни айнан такрорлаш (таклид ёки ўхшатма қилиш);

- жисмоний шахснинг номи ёки тасвиридан унинг розилигисиз фойдаланиш;

- порнографияни тарқатиш;

- газеталарнинг биринчи ва охириги саҳифаларида, журналлар ва бошқа даврий нашрларнинг муқоваларида, шунингдек телерадиозшиғтириш

дастурлари чоп этиладиган ушбу нашрлар саҳифаларида алкогольли ичимликларни реклама қилиш;

- оммавий ахборот воситалари, тиббий, спорт, мактабгача таълим идораларида, транспорт воситаларида (махсус тамаки ва тамаки маҳсулотларини ташийдиганларидан ташқари), жумладан умумий фойдаланишдаги йўловчилар транспорт воситалари салонларида, шунингдек ташқи реклама воситасида тамаки ва тамаки маҳсулотларини реклама қилиш;

- реклама заставкалари товушларини, телерадиоэшиттиришнинг овоз баланглигига нисбатан юқорилаш (кўтариш);

- телевидениеда реклама қилиш мақсадида "югуриш сатрлари"дан фойдаланиш (реклама берилётган вақтдан ташқари);

- вояга етмаганлар учун мўлжалланган босма нашрларда тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларни реклама қилиш;

- ишончсиз реклама;

- вояга етмаганларни маҳсулотни сотиб олишга чақирувчи ёки реклама қилинаётган маҳсулотни сотиб олишни сўраб учинчи шахсларга мурожаат қилишдан иборат бўлган реклама;

- тонгги соат 7 дан кеч соат 22 га қадар телевидение ва радио орқали ва 28 даражагача қувватга эга бўлган алкогольли ичимликларни реклама қилиш;

- фақат шифокорнинг кўрсатмаси (рецепти)га биноан тарқатиладиган; таркибида наркотик ва (ёки) психотроп моддалар бор бўлган, Ўзбекистон Республикасида тиббий қўлланишига рухсат этилмаган дори-дармон воситаларини реклама қилиш ва ҳ.к.¹

Таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этилганлар қонун ҳужжатлари билан тақиқланган бўлса-да, баъзан ОАВда ушбу қоидаларга зид тарзда рекламалар берилётганлигининг гувоҳи бўламиз.² Масалан, 2006 йил 16 декабр куни намойиш этилган "Олтин тож" кўрсатувида "Реклама тўғрисида"ги қонун (17-моддаси 4-банди) талаби қўпол тарзда бузилди. Яъни мазкур кўрсатув 14-ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган дастур бўла туриб, кўрсатувда бир неча марта "Айлин" компанияси маҳсулотларининг рекламаси берилди. Худди шундай ҳолат "Бола тилидан" кўрсатувида ҳам тақрорланди.³ Яъни кўрсатув ҳамкори "Турон Линк" пейджер хизмати ва реквизитлари (телефон рақамлари), фирма белгиси реклама қилинди. Шунингдек, "Саломатлик сирлари" кўрсатувида "Ципрадел 500" ҳамда "Эссел Форте" дори воситалари катнашчилар томонидан катта афзалликларга эга эканлиги, бошқа дори-дармон воситалари билан муҳофафала таққослашга йўл қўйилди.⁴

¹ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами" 2007 йил, 17-18-сон, 188-модда.

² Қўбида келтирилган барча мисоллар ЎзР Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг 2007 йилги иш режаси асосида "Реклама тўғрисида"ги ЎзР қонунини ижроси юзасидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимида ўтказилган назорат-таҳлил фаолияти доирасида аниқланган ва йўл қўйилган қонунбузарликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар берилган Назорат-таҳлил фаолияти ЎзР Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси мутахассислари иштирокида ўтказилган.

³ "Бола тилидан" кўрсатуви. ЎзТВ, 2006 йил 16 декабр сони.

⁴ "Саломатлик сирлари" кўрсатуви. ЎзТВ, 2006 йил 16 декабр сони.

2006 йил 16 декабр куни соат 22³⁰ да бошланган “Таманно” кўрсатувида “лойиха бош ҳомийси “Деск Инвест” корхонаси, лойиха ҳомийлари «Родинджинс» дўкони, “Рахванджи кардс” компанияси, “Бютисс” тўй либослари салони” ҳаракатланувчи сатрларда реклама қилинди. Ўша куни соат 20³⁵ да эфирга узатилган “Давра” ахборот дастурида ҳам реклама мақсадида “Студия “Ройсон электроникс” корхонаси томонидан жихозланган” мазмунидаги ҳаракатланувчи сатрлардан фойдаланилди. Бу ҳолатлар ОАВ томонидан “Реклама тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддаси талаблари бузилганлигини кўрсатади.

Шу ўринда эслатиб ўтмоқчимизки, қонунчиликда телерадиодастурларни яратишда, бошқа оммавий ахборот воситалари учун материаллар тайёрлашда, театр-концерт, спорт тадбирлари ва бошқа тадбирларни уюштиришда ҳомийлар қатнашиши мумкинлиги белгиланган. Бироқ шуни унутмаслик керакки, реклама телевидение ва радио, аудиовизуал маҳсулот билан боғлиқ бўлган ва ҳомийлик хизматларидан фойдаланилаётган тақдирда, ҳомийлар тўғрисидаги ахборот дастурнинг бошланишида ва охирида қисқа ва аниқ қайд этилиши лозим. Шунингдек, ҳомийнинг номи (номланиши) ёнида ёки ҳомийнинг ўрнига унинг товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) кўрсатилиши ҳам мумкин. Аммо янгиликлар тўғрисидаги телерадиодастурларда ҳомийларнинг хизматларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Демак, “Давра” дастури ижодкорлари бу ҳолатни эътиборда тутишлари лозим.

“Реклама тўғрисида”ги қонуннинг 18-моддаси босма оммавий ахборот воситаларида реклама масаласига бағишланган бўлиб, босма оммавий ахборот воситаларидаги рекламанинг ҳажми, мавзусини шу оммавий ахборот воситаларининг ўзлари мустақил белгилаши қайд этилади. Аммо обуна бўйича тарқатиладиган босма воситалар обуна шартларида нашрнинг умумий ҳажмидаги реклама миқдорини кўрсатишлари шарт қилиб белгиланган.

Шунингдек, реклама йўсинидаги хабарлар ва материалларни бериб боришга ихтисослашмаган даврий босма нашрларда реклама даврий нашр бир сони ҳажмининг 40 фоизидан ошиб кетмаслиги шарт, модомики, реклама ҳажми шу миқдордан ортиб кетгудек бўлса, қолган реклама бепул илова тарзида берилиши керак. Бу қоида қонун талаби ва сўзсиз ижро этилиши лозим, акс ҳолда муқаррар жавобгарлик юзага келиши шубҳасиз. Аммо амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ОАВ бу қоидаларга тўла амал қила олмаяпти. Масалан, мамлакатнинг бош наشري “Халқ сўзи” газетасини олиб кўрайлик. Газета асосан обуна йўли билан ўз ададини шакллантиради. Бироқ обуна шартларида реклама миқдори кўрсатилмаган. Натижада муайян ададга обуна қилинган газета таҳририяти йил давомида рекламага зўр беради. Газетанинг 3-4 саҳифалари асосан реклама ва тижорат материаллари ҳисобига тўлдирилади ва бу қонунда назарда тутилган рекламага ихтисослашмаган “даврий нашр бир сони ҳажмининг 40 фоизидан” анча ошиб кетади. Газетанинг байрам сонларини эса асосан реклама ва тижорат материаллари, байрам табриклари эгаллайди.¹ Бу

¹ Қарап: “Халқ сўзи” газетасининг 2005-2006 йил сонлари.

ҳолат нафақат қонун талабларига зид, балки истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузиш ҳам ҳисобланади.

Телерадиоташкилотларда эса рекламага ажратилган кўрсатув (эшиттириш) вақти кўрсатувнинг (эшиттиришнинг) ҳар бир соатига 10 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим (аммо бу талаб ихтисослашган рекламавий каналларга татбиқ этилмайди). Хўш, мамлакатимизда жадаллик билан ривожланаётган хусусий ва давлат телерадиоташкилотлари бу қоидаларга нечоғли амал қилишмоқда? Мисолларга мурожаат қиламиз. “Тошкент” телеканалида соат 18⁴⁵ да эфирга узатилган “Гваделупе” 40 минутлик сериали 2 маротаба реклама жойлаштириш учун узиб қўйилди.¹ “Спорт” телеканалида эса 25 минутга мўлжалланган “Файзли ошхона” телекўрсатувида 2 маротаба реклама намоён этилди. Шу билан бир қаторда кўрсатув ўртасида “HANSA” фирма белгиси дастур ҳомийси эканлиги юзасидан реклама берилди.²

